Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 231 (6. 720) ◉ 1988 йил 10 октябрь, душанба ◉ Баҳоси 3 тийин

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ «Правда» газетасидаги «Ижодкорлар ва текинхўрлар» сарлавҳали мақолада публицист Василий Парфенов қайта қуриш йўлидаги ғовлар, ҳақиқий ишлаб чиқариш билан банд бўлган меҳнатчилар сафини кенгайтириш ҳақидаги ўз фикрлари билан ўртоқлашади.

⊙ Газетанинг иккинчи саҳифасида берилган «Мунозара минбари» рубрикаси остидаги «ГЭС ҳақида хом хаёлсиз» сарлавҳали мақолада арзон электр энергияси ҳосил қилиш муаммоси ҳақида, партия этикаси ҳақида ҳикоя қилинади.

⊙ Газетанинг учинчи саҳифасидан «Ўқитувчини қишлоқдан ҳайдашди» сарлавҳали мақола ўрин олган. Мақолада қонунга хилоф равишда қишлоқдан ҳайдалган ўқитувчининг тақдири ҳақида, ошкоралик мухолифларининг кирдикорлари ҳақида ҳикоя қилинади.

⊙ Бугунги Озарбайжон ҳаёти учун турғунлик даври оқибатларини енгиб ўтиш борасидаги мураккаб жараёнлар характерлидир. Бу жараён қандай ўтаяпти! Ана шу ҳақда газетанинг тўртинчи саҳифасидаги «Озарбайжон: сабоқлар ва қарорлар» мақоласида ўқиш мумкин.

⊙ «Известия» газетасининг биринчи саҳифасида «Янгиликлар панорамаси» берилган.

⊙ Газетанинг иккинчи саҳифасидан «Халқ сиҳат-саломатлиги» сарлавҳали мақола ўрин олган. Мақолада депутатлар комиссиясининг соғлиқни сақлашни туб ислоҳ қилиш юзасидан тавсиялари билан танишиш мумкин.

Сўнгги соатда

ТАСС ХАБАРЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДАН

⊙ Покистонда шу йилнинг 16 ноябрига белгиланган ялпи сайловлар партиявийлик асосида ўтиши ҳақидаги хабарлар ортидан Исломободдан мамлакатда янги сиёсий партиялар ташкил этилаётганлиги ҳақида ахборотлар олинмоқда.

Франс Пресс агентлигининг маълум қилишига қараганда, Покистоннинг собиқ бош министри Жунежо шанба куни Покистон халқ альянси ташкил этилганлигини эълон қилган. Ана шу альянсга уч ўнг партия кирган. Бундан олдинроқ ҳалок бўлган президент Зиёул-Ҳақнинг тарафдорлари ўз партияларини тузишган ва у Ислом демократик альянси деб ном олганди. Бўлажак сайловларда уларнинг ҳаммаси Б. Бхутто раҳбарлигидаги Покистон халқ партиясига қарши туради.

⊙ Бирманинг етакчи студентлар ташкилоти — студентлар синдикатлари Федерацияси Рангунда тарқатилган баёнотда ҳарбий хунта раҳбари генерал С. Маунгни шошилинч равишда ўтиш ҳукуматини тузишга даъват этди.

Ахборотда ҳозирги вақтда ҳарбий ҳукумат «халқнинг на мададига, на ишончига таянади», деб таъкидланади.

⊙ Римда истиқомат қилувчи 26 ёшли Лючия Сомма шанба куни олти эгизак — тўрт ўғил ва икки қиз кўрди. АНСА агентлигининг хабар қилишига қараганда, онанинг ва чақалоқларнинг аҳволи қониқарли. Чақалоқлар ҳар бирининг вазни бир килограммга тенг.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 6 октябрь куни бўлган мажлисида СССР Министрлар Совети тақдим этган 1989 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани ҳамда давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиқди.

Мажлисда таъкидлангандек, беш йиллик планларига ҳамда меҳнат коллективларининг таклифларига асосланиб тузилган план лойиҳасида ишлаб чиқариш потенциалидан тағин ҳам тўлароқ фойдаланиш, ресурсларни фаоллик билан тежаш асосида экономиканинг социал йўналишини кучайтириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш кўзда тутилган. Унинг муваффақиятли амалга оширилиши умуман ўн иккинчи беш йиллик топшириқларининг бажарилишини ва 1991—1995 йилларга мўлжалланган планни тузиш шартларини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Муҳокама қилиш жараёнида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, озиқ-овқат масаласини ҳал этишга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатишни янада ривожлантиришга, капитал қурилиш ишларини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча мулоҳазалар ва таклифлар айтилди. Мамлакатнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида харажатларни қисқартириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятидаги зарар кўришни тугатишга алоҳида эътибор қаратилди.

Сиёсий бюро 1989 йил план ва бюджет лойиҳаларини асосан маъқуллади ва СССР Министрлар Совети тақдим этган лойиҳаларни СССР Олий Советида кўриб чиқиш учун киритгунга қадар пухталаштириш чоғида айтилган мулоҳазаларни кўриб чиқиш ва ҳисобга олишни тавсия этди.

Сиёсий бюро ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган СССР ташқи иқтисодий алоқалари стратегияси, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш концепцияси ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган СССРнинг экспорт базасини ривожлантириш программаси лойиҳаларини қўллаб-қувватлади.

Бу ҳужжатларда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга янгича ёндашув ифодаланган бўлиб, бу алоқалар мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштиришда ана шундай алоқаларнинг ролини оширишга, Совет Иттифоқи халқ хўжалиги комплексини халқаро меҳнат тақсимотига тағин ҳам активроқ ва ҳар томонлама жалб этишга қаратилган. Савдонинг анъанавий шаклларидан фан-техника ва ишлаб чиқаришда кооперациялаш ва ихтисослаштириш, тайёр маҳсулотлар ва аввало фан билан мустаҳкам боғлиқ бўлган машинасозлик маҳсулотлари улушини ошириш ҳисобига экспорт структурасини яхшилаш базасида чуқур ва комплекс ҳамкорликка ўтишга қаратилган ташқи иқтисодий алоқалар моделини жадал шакллантириш ана шу мақсадларга эришишга кўмаклашади.

Умумдавлат манфаатларини ташқи бозорда корхоналар мустақиллигини янада кенгайтириш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда уларнинг манфаатдорлигини ошириш, конверсияланувчи сўмни босқичма-босқич таъминлаш билан пухта қўшиб олиб боришга асосланган ташқи иқтисодий алоқаларнинг хўжалик механизмини янада такомиллаштириш кўзда тутилди.

Товар-пул муносабатларидан кенг фойдаланиш, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар бозорининг вужудга келиши базасида ишлаб чиқариш ва фан соҳасида маҳсулотларни оддий товар айирбошлашдан комплекс савдо-иқтисодий ҳамкорликка ўтишни рағбатлантирадиган социалистик иқтисодий интеграциянинг хўжалик механизмини такомиллаштириш негизида социалистик мамлакатлар билан ва аввало Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш устун даражада ривожланади. Ҳамкорликнинг янги формаларини — СССР ва қардош мамлакатлар корхоналари ҳамда ташкилотларининг бевосита алоқаларини, қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар тузишни бутун чоралар билан ривожлантириш белгиланди.

М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети таклифига мувофиқ СССРга амалий визит билан келган Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг раиси Э. Хонеккер билан суҳбати якунлари маъқулланди. КПСС билан ГБСПнинг иккала мамлакат халқлари ўртасидаги самарали алоқаларни социализмни муваффақиятли ривожлантириш манфаатларини, мустаҳкам тинчлик ва халқаро хавфсизлик манфаатларини кўзлаб мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга қатъий аҳду паймон қилганлиги мамнуният билан таъкидланди. СССР билан ГДР ўртасидаги қардошларча муносабатларнинг ривожланишига юксак баҳо берилди, иккала иттифоқчи республиканинг иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиш тўғрисидаги аҳдномаларни изчиллик ва зўр ғайрат билан амалга оширишнинг муҳимлиги таъкидланди. Бу хусусда ГДР билан ҳар томонлама ҳамкорликни такомиллаштириш юзасидан аниқ-равшан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мажлисда М. С. Горбачев бошлиқ совет делегацияси Румыния Компартияси Бош секретари, Румыния Социалистик Республикаси Президенти Н. Чаушеску расмий дўстлик визити билан СССРда бўлган чоғида у билан олиб борган музокараларнинг натижалари кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Музокаралар икки партия ва мамлакатнинг ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларни чуқурлаштириш, одамларнинг кенг алоқа қилишлари учун барча имкониятлардан фойдаланишга интилаётганлигини тасдиқлаганлиги уқтириб ўтилди. Алоқаларнинг бундай чуқурлаштирилиши СССР ва Румыния халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушган, етилган социал-иқтисодий вазифаларни тағин ҳам самаралироқ ҳал этишга ёрдамлашган бўлур эди. Халқаро ишларда СССР билан РСР алоқаларини такомиллаштириш янги сиёсий тафаккур концепцияси асосида ҳозирги даврнинг ва халқаро хавфсизликни таъминлашнинг туб масалаларини ҳал қилишда социалистик мамлакатлар улушини кўпайтириши керак. Музокараларда эришилган аҳдлашувларни рўёбга чиқариш юзасидан топшириқлар берилди.

Сиёсий бюро Лаос Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Лаос Халқ Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси К. Фомвихан билан М. С. Горбачев суҳбатлари ва Н. И. Рижков олиб борган музокара якунларини маъқуллади. СССР билан ЛХДР ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни иккала мамлакат халқлари фаровонлигини кўзлаб, Осиё — Тинч океани регионида ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб чуқурлаштириш ва ривожлантириш, қардошларча дўстликни янада мустаҳкамлаш учун К. Фомвиханнинг амалий визити катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

В. И. Воротниковнинг Германия Федератив Республикасига визити якунлари маъқулланди. Федерал канцлер Г. Коль, ГФРнинг бошқа давлат арбоблари, савдо-саноат доираларининг вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлар ва суҳбатлар икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни, шу жумладан СССРнинг иттифоқдош республикалари ва ГФР ўлкалари ўртасидаги шериклик алоқалари йўли билан кенг ривожлантириш учун катта потенциал имкониятлар мавжудлигини тасдиқлади.

Э. А. Шеварднадзенинг БМТ Бош Ассамблеяси навбатдаги сессияси муносабати билан АҚШга ташрифи вақтида бўлиб ўтган Америка раҳбарлари билан музокаралар, АҚШ таниқли сиёсат арбоблари билан, шунингдек бир қанча давлатларнинг ташқи ишлар министрлари билан учрашувлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Бунда Совет раҳбариятининг Совет-Америка муносабатлари барқарорлиги, ишончлилиги ва маҳсулдорлигини, БМТ аъзолари бўлган бошқа давлатлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш муддаоси тасдиқланди.

Сиёсий бюро А. П. Бирюкованинг ЧССРга амалий визити якунларини кўриб чиқиб, КПСС билан ЧКП социал сиёсатини амалга ошириш тажрибасини айирбошлаш фойдали бўлганлигини таъкидлади. Бу соҳада ЧССР билан ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш юзасидан топшириқлар берилди.

Мажлисда Д. Т. Язовнинг Ҳиндистонга расмий визити якунлари тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди. Д. Т. Язовнинг Ҳиндистон Республикаси Президенти Р. Венкатараман ва Бош министри Р. Ганди билан учрашуви якунлари, шунингдек унинг мудофаа министри К. Ч. Пант билан олиб борган музокаралари якунлари маъқулланди. Бу учрашувлар ва музокаралар чоғида СССР билан Ҳиндистоннинг дўстона муносабатларини янада ривожлантиришга, халқаро ишларда уларнинг баҳамжиҳат ҳаракатларини кенгайтиришга ҳар иккала томоннинг интилаётганлиги тасдиқланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси партиямиз ички ва ташқи сиёсатининг баъзи бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқди.

ЗАМОНДОШИМИЗ

Қайта қуриш жонкуяри

Кенг демократия, ишчанлик, ташаббускорлик, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид, холисона таҳлил — бугунги кунда бу корхонанинг техника назорати бўлимида ҳар бир кишининг қайта қуриш йўлидаги интилишини ана шу сўзлар билан изоҳлаш мумкин. Михаил Анатольевични хоҳ ишчилар йиғилишида, хоҳ «Думалоқ стол атрофида»ги учрашувларда, хоҳ ҳамкасблар билан қизғин баҳсларда бўлсин, ана шу фазилатлари коллектив ўртасида ҳурматга сазовор қиляпти.

Партия XXVII съездидан кейин, айниқса Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қабул қилган муҳим қарорлардан сўнг Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг юзлаб ишчи-хизматчилари фаоллиги, бирбирига талабчанлиги, ҳақиқатни юзга очиқ айтиш хусусияти кучайди. М. Пинскер буни фақат техника назорати бўлимида ишлаётгани учунгина эмас, балки пропагандист бўлгани учун ҳам яққол ҳис этди.

Техника назорати бўлимида-ку асти қўяверасиз. Бу ерда иш пайтида бир дақиқа ҳам «тинчлик» йўқ дейиш мумкин. Бу ер — доимо қизғин баҳслар, тортишувлар, ҳақиқатни юзага чиқариш учун кураш майдони бўлиб қолган. Михаил бўлим бошлиғининг ўринбосари бўлгани учун ҳам унинг бошида ташвиш жуда кўп: ҳали цехларнинг «шикояти»ни кўриб чиқиш, ҳали маҳсулот сифатини янада яхшилаш имкониятларини излаш, қолаверса, талабчанликни сал бўшаштириб қўйган назоратчиларнинг ўзларини назорат қилишга ва бошқа жуда кўп кундалик масалаларни ҳал этишга тўғри келади.

Маълумки, техника назорати бўлими ишининг муваффақияти фақат бир кишигагина боғлиқ эмас, албатта. Ёлғиз отнинг чанги чиқмайди, деган нақл бежиз айтилмаган. Бўлим коллектив аҳил бўлибгина корхона олдига қўйилаётган юксак талабларни адо этиши мумкин. «Бу талаб, — дейди М. Пинскер биз билан суҳбатда, — бутун мамлакатимиз пахтакорларига етказиб берилаётган «зангори кема»лар сифати ва иш унумини оширишдан иборат. Аммо бу айтишга осон. Бу йўлда техника назорати бўлими ходимлари ва айниқса менинг зиммамга жуда катта масъулият тушади».

ТошПИни битирганига мана 11 йил бўлибдики, у шу масъулиятни ҳис этиб, ишлаяпти.

Ҳ. ИКРОМОВ.

⊙СУРАТДА: Михаил Анатольевич Пинскер.

Т. Каримов фотоси.

АХБОРОТ

«Оқ олтин» — Ватанга!

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 8 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан ҳисобида)		процент
Хоразм	2,01	83,58
Тошкент	3,32	78,78
Қашқадарё	2,25	69,85
ҚҚАССР	2,82	62,86
Фарғона	2,37	60,47
Сурхондарё	2,35	59,78
Бухоро	3,23	59,60
Наманган	2,40	59,45
Сирдарё	3,96	55,73
Андижон	1,53	49,71
Самарқанд	2,82	36,49
Республика бўйича:	2,69	59,93

Миннатдорчилик мактуби

Яқинда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтига халқ депутатлари Камчатка область Совети ижроия комитетидан миннатдорчилик мактуби келди.

Унда граждан қурилишини планлаштириш ва энергетика факультетларининг илмий ходимларидан Мансур Шодиев, Зиёратулла Абдукаримов, Раҳматжон Мирсаидовларга ташаккур айтилган эди. Бу мутахассислар Петропавловск-Камчатка шаҳрида тажриба учун қурилган иккита беш қаватли бинода икки ой мобайнида зилзиладан ҳимояланувчи янги системани тажрибада синаб кўришди.

Ушбу биноларда янги система қўлланилганда зилзила кучи 1,6 балга камайди. Бу эса бинолар баландлигини кўтаришга ҳамда қурилишга кетадиган маблағни тежашда катта иқтисодий самара беради.

Ўзбекистонлик мутахассисларнинг Петропавловск-Камчаткада ўтказган тажрибаларига техника фанлари доктори, Тошкент политехника институтининг профессори Қобул Абдурашидов раҳбарлик қилди.

А. ДАМИНОВ.

Саккиз муаллифдан саккиз умид

Беньков номли республика рассомлар билим юрти театр безаклари бўлимининг диплом ёқловчи талабалари кўргазма залида ҳам, театр саҳнасида ҳам эмас, балки бевосита кўчада синовдан ўтмоқдалар. Ўзбекистон театр арбоблари союзи биноси олдида «Театр ва замон» кўргазмаси очилди. Бу виставка бўлажак саҳна безовчилар ишларининг дастлабки кенг кўргазмасидир. Муаллифларнинг номлари театр буклетларида ҳам, кинофильмлар ёзувларида ҳам ҳали йўқ —улар эндигина илк қадам ташламоқдалар. Лекин шундай бўлса-да, улар ўз қарашларининг мустақиллиги билан томошабинлар диққатига сазовор бўлдилар.

— Бадиий ижодиёт бу турининг ўзига хос хусусияти алоҳида санъатни талаб қилади, — дейди ЎзТАГ мухбирига муаллифлардан бири Д. Слашинин. — Саҳна рассоми — режиссёрнинг тўла ҳуқуқли ҳамавторидир, томошанинг қандай чиқиши ана шу рассомга боғлиқ. Биз эса бу томоша ёрқин, байрамона ва эсда қоларли бўлишини истар эдик. Стилистик йўналишларнинг хилма-хиллиги ҳам ана шуни тақозо этади.

Кўргазмада ўнлаб декорациялар, макетлар ва қўғирчоқларнинг эскизлари бор. Улар турли даврларни ўз ичига олади: Бу ерга В. Шекспирнинг «Антоний ва Клеопатра» ҳамда «Ёз тунидаги туш», Булгаковнинг «Одамато ва Момоҳаво» спектакллари, эртаклар инсценировкалари учун тайёрланган декорациялар қўйилган. Саккиз нафар ёш муаллифнинг ана шу ишлари бир кўргазмага бирлаштирилган.

Талаб ортмоқда

Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик машинасозлиги корхонаси фақат мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам ўз маҳсулотлари билан машҳур. «Таштекстильмаш» белгиси туширилмаган бирорта дастгоҳ йўқки ўзининг пишиқлиги ва сифатлилиги билан ажралиб турмаган бўлсин. Шу туфайли бугунги кунда тўқимачилик дастгоҳларига бўлган талаб тинмай ортиб бормоқда. Корхона дунёнинг 30 мамлакатига ўз маҳсулотини етказиб бермоқда. Бу буюртмачиларга ЧССР, Болгария, Югославия, Куба, Покистон, Таиланд, Бангладеш, Индонезия каби мамлакатлар киради.

Бу йил корхона коллективи «11—70» ва «11—75 А» маркали йигирув дастгоҳларини ишлаб чиқаришга киришди.

Б. ОРИПОВ.

Ҳамшаҳарлар учун

«Марказ-6» микрорайонида муҳташам бино қад ростлаяпти. Бинонинг оқ ғиштдан алоҳида безак билан ишланаётгани киши диққатини ўзига жалб қилади.

Бу оталар чойхонасини Тошкент районининг Карл Маркс номли колхози қураяпти. Чойхона ишга тушгач у қишин-ёзин ҳўл мевалар, сут маҳсулотлари, иссиқ тандир нонлар ва бўлак маҳсулотлар билан ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатади. Бу ерда озиқ-овқат Программасини амалга ошириш соҳасидаги ютуқлар ҳақида турли суҳбатлар ўтказилади. Бино қурилишини Тошкент область агросаноат бошқармасининг механизациялаштирилган 450-кўчма колоннаси олиб бораяпти.

Бино янги йилгача фойдаланишга топширилади. Аваз Юнусов, Рустам Исабоев, Ромен Матигулин, Азиз Мадаминов сингари бунёдкорлар қурилишда самарали меҳнат қилишаяпти.

С. СУЛТОНОВ.

Об-ҳаво ва саломатлик

10 октябрдан 16 октябргача

Ўзбекистон ССР гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра шу ҳафта мобайнида кам булутли об-ҳаво сақланиб туради, ёғингарчилик бўлмайди, кучсиз шамол эсиб туради. Ҳаво ҳарорати ҳам жиддий ўзгармайди. Кечаси 4-9 даража, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Ҳафтанинг охиридагина об-ҳаво айниши мумкин. Ҳафтанинг ўртача ҳарорати кўп йиллик нормага яқин бўлиши кутилади.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медик об-ҳаво маълумотлари ва метеопрофилактика маркази мутахассисларининг фикрига қараганда, ҳафтанинг аксарият кунлари кутилаётган об-ҳаво шарт-шароитлари об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморларга нохуш таъсир ўтказмайди. Шу билан бирга, ҳафтанинг охирига келиб об-ҳавонинг ўзгариши, осмонда булут кўпайиб, атмосфера ҳаво босимининг пасайиши нафас олиш - ўпка системаси касалликлари, юракнинг ишемик хасталиги, қон томирлар ва бош миянинг яллиғланиш хасталиклари, бўғин ва периферик асаб системаси хасталиклари бўлган беморларга муайян даражада салбий таъсир этиши мумкин.

Об-ҳаво ноқулай келган кунларда ана шу тоифадаги беморлар профилактика мақсадида ўз сиҳат-саломатликларига эътиборни кучайтиришлари: артериал қон босимини вақти-вақти билан ўлчаб туришлари, зарур ҳолларда врачларнинг тавсияси билан дори-дармонларни қабул қилишлари лозим.

Таянч-ҳаракат аппарати хасталиклари бўлган беморлар оғриқни қолдирувчи препаратларни қабул қилишлари керак. Об-ҳаво очиқ кунлари ҳаво ўзгаришларига таъсирчан кишиларга чиниқиш процедураларини давом эттириш тавсия қилинади. Даволаш-физкультура комплекси машқларини катта миқдордаги нафас олиш машқлари билан қўшиб олиб бориш фойдалидир.

Фойдаланишга топширилди

«Главташкентстрой»нинг 3-уйсозлик комбинати 2-қурилиш конвейерлари бошқармаси бинокорлари шаҳримизнинг Октябрь районида қад кўтараётган Калинин массивида 80 оилага мўлжалланган турар жой биносини қуриб битказдилар.

Бу ишни амалга оширишда қурилиш мастери Ш. Илиев, монтажчилар бригадири С. Аблякимов, монтажчилардан Б. Зокиров, С. Холмоновларнинг ҳиссалари катта. Янги турар жой биноси барча замонавий қулайликларга эга.

Турар жой учун ажратилган ҳовли саҳнида болалар учун мўлжалланган кичик шаклдаги архитектура жиҳозлари бунёд этилган.

Д. РАҲМОНОВ.

Орол денгизи ва Орол бўйи муаммолари—диққат марказида

⊙ КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Орол денгизи» районида экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, унинг ҳавзасида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда уларни муҳофаза қилишни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасида Ўзбекистон ССР партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари республика партия-хўжалик активларининг 8 октябрь куни Нукусда бўлиб ўтган йиғилишида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов «Орол тўғрисида ҳаммамиз ва ҳар биримиз жон куйдиришимиз керак» мавзуида ана шу йиғилишда доклад қилди.

Долзарб мавзу

Кенг истеъмол буюмлари: кеча ва бугун

Эсимда, ўтган область партия конференциясида таклиф этилган бир группа ёзувчи ва журналистларга ўзига хос «ғалатн» виставкани кўриш тавсия этилган эди. Конференция залининг яккинчи қаватидаги фойега кўтарилишингиз биланоқ чап томонда ярим доира шаклида хилма-хил кенг истеъмол буюмлари териб қўйилган: улар орасида бесўнақай рўзғор буюмларидан тортиб, пойма-пой пойафзалларгача, қўйингчи, сифатсиз маҳсулотларнинг деярли ҳамма хилидан бор эди. Аввалнга кенг истеъмол буюмларининг янги, замонавий турларини кўрамиз деб келган делегатлар ва меҳмонларнинг лабларида беихтиёр истеҳзоли табассум пайдо бўлди... Бу сифатсиз маҳсулотларни тайёрлаган корхоналар орасида, афсуски, Тошкент шаҳрининг кўпгина корхоналари ва фабрикалари ҳам бор эди.

Ўшандан буён орадан анча вақт ўтди. Хўш, бу борада қандай ўсиш-ўзгаришлар рўй бермоқда? Умуман кенг истеъмол буюмларн ишлаб чиқаришнинг бугунги аҳволи қандай? У икки миллионли шаҳар аҳолисининг дид ва талабларига тўла жавоб беряптими?

Келинг, яхшиси шу йилнинг саккиз ойида бу борада нималарга эришилгани ва нималар бой бернлганига бир назар солайлик.

Агар шаҳар бўйича оладиган бўлсак, бу борадаги план 96,1 процент адо этилди. Ёки мўлжалдагидан 16 миллион 466 минг сўмлик кенг истеъмол буюмларн кам ишлаб чиқарилди.

Хўш, нега бундай бўлди? Кимлар бунга «ҳисса» қўшди?

Акмал Икромов районидаги механика заводи раҳбарлари саккиз ойлик планни 65,8 процентда «қолдириш»ни афзал кўрди. Нима, бажарднг-бажармадинг, кимнинг иши бор? Жуда нарн борса бир-икки «уришиб» қўйишади. Аммо шу билан бутун районнинг юзини шувит қилганн билан уларнинг қанчалик иши бор!

Чилонзор районида «Ташгорпрокатразнобит» деган ишлаб чиқариш бирлашмаси бор. Бу корхонада ҳам маъмурият, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бўлса керак. Уларга коллектив катта ишонч билдирган кишилар етакчилик қилишаётгандир. Корхонанинг «бели чиқиб кетмасин» деб саккиз ойда атиги 783 минг сўмлик план белгиланган экан. Амалда бу 594 минг сўмлик қилиб «адо этилибди», холос. Ёки кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш планнни бажариш 75,9 процентга аранг етибди! Шунга ҳам ота гўри, қозихонами? Яхши ишламасак, биров мушугимизни пишт деяётгани йўқ-ку — корхона раҳбарларининг бугунги «психологияси» шунақага ўхшайди. Акс ҳолда жуда бунчаликка боришмаган, озгина ғайрат кўрсатишган бўларди.

«Биз саккиз ойда атиги 189 минг сўмлик истеъмол буюмларини кам берибмиз, дарров бизни илғашибди-да, ҳар корхоналар борки, миллион сўмлаб буюмлар етказиб бермаяпти-ку», дейишар улар.

Бу гапда ҳам жон бор, бунгаям ҳозир тўхталиб ўтамиз. (Аммо ҳурматли корхона раҳбарлари, ўз гуноҳларингизни бошқалар айби билан ювишга интилманг, илтимос!).

Тўғри, шаҳарни бу борада орқага тортаётган «азамат»лар йўқ эмас. Мана, улар: Фрунзе районидаги «Таштекстильмаш» заводи саккиз ой ичида аҳоли интизорлик билан кутаётган 7 миллион 624 минг сўмлик кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқармади. Бу корхона билан шу райондаги тўқимачилик комбинати ҳам «мусобақа» ўйнаяпти, шекилли. Чунки комбинатнинг бу борадаги қарзи 6 миллион 480 минг сўмни ташкил этди!

«Қизил тонг» хотин-қизларининг юзлари қизариб кетмасин: улар тўқимачилик комбинати хотин-қизларидан анча «тузук» натижага эришганлар — бор-йўғи 3 миллион 691 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришмабди.

Яна бир миллион сўмликдан зиёд «ҳисса» қўшганлар орасида «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Металлобработка» ишлаб чиқариш бирлашмасини ва «Ташгоробувьрембит» ишлаб чиқариш бирлашмасини тилга олмасак бўлмас. Чунки бу корхоналарнинг раҳбарлари шаҳар юзига соя солганларидан хижолат бўлишаётгандир, албатта. Шаҳардаги районлар ўртасида кенг истеъмол буюмларини пландагидан кам ишлаб чиқариш борасида ҳозирча Фрунзе, Ленин ва Собир Раҳимов районлари «олдинда» боришяпти.

Фрунзе райони саноатчилари 7 миллион 624 минг сўмлик, Ленин райони 3 миллион 700 минг сўмлик, Собир Раҳимов райони 3 миллион 617 минг сўмлик қарз билан тўққизинчи ойга «қадам қўйишган».

Баъзилар «Қанча жонингни жабборга бериб ишласанг ҳам танқид эшитаверар экансан-да» деб биздан ниёл ранжиши мумкин. Шу сабабли бутун шаҳримиз саноат коллектнвларининг умуман ғайрат билан меҳнат қилганликларини камситмоқчи эмасмиз. Кенг истеъмол буюмлари ялпи ишлаб чиқариш планларини 99 процентдан ошириб бажарган, яъни маррага етай-етай деганда (бир-ярим процент етмаган) озгина мадад зарур бўлган районлар ва корхоналар ҳам оз эмас.

Улар сафига энг аввало Киров районини (99,9 процент!), Ҳамза районини (98,9 процент) қўшиш мумкин. Ғайрат кўрсатган корхоналардан тамаки фабрикасини, 7-фабрикани, граммпластинкалар заводини, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасини, қоғоз фабрикасини айтиш керак. Кўпчилик корхоналар эса оқсаб қолмоқда. Бунинг сабаблари жойларда жиддий таҳлил этилмоғи шарт.

Энди масаланинг иккинчи бир томонига тўхталайлик. Чакана нархларда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг умумий манзараси сиртдан қараганда ёмон эмасдек таассурот туғдиради. Масалан, бу борада ўсиш суръатлари шаҳар бўйича 109,5 процентни ташкил этган.

Ҳатто биз юқорида номини тилга олган Ленин районида бу борада ўсиш суръати 105,4 процентни, Собир Раҳимов районида 113,8 процентни, Фрунзе районида 102,8 процентни ташкил этади.

Аммо бугунги кунда талабларни ҳам унутмаслигимиз керак-да! Жадаллаштириш даври шуни тақозо этмоқдаки, кенг истеъмол буюмлари арзон, сифатли ва ранг-баранг бўлсин. Чакана нархларда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари айниқса 10-автомобиль ремонти заводида (275 процент), 1-автомобиль ремонти заводида (250 процент), СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида (198,1 процент), «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида (168 процент) ва бошқа корхоналарда юқори. Демак, бу ва бошқа корхоналар ўйлаб кўрадиган муаммолар ҳали йўқ деб бўлмайди...

Таҳлилимиз бошида гапни область партия конференциясидан бежиз бошламадик. Эртага кенг истеъмол буюмларининг сифати ёмонлари ҳақида эмас, балки энг аълоларн виставкасини ташкил этишга ҳаракат қилайлик, токи аҳоли: «Қўлинг дард кўрмасин, буни қайси корхона ишлаб чиқардийкин!» деб фахрланадиган бўлсин. Кейин халқимизда ўзи ёқадию, нархи чақади, деган ибора ҳам бор. Минг чиройли бўлгани билан буюмнинг нархи осмонда бўлса, буям халқни эмас, ўз манфаатини ўйлаш бўлур эди. Бунинг олдини олиш учун эса яна ва яна омилкорлик, ишнинг кўзини билиш, иқтисод ва тежамкорлик қонунларига оғишмай риоя қилиш керак.

Ҳамид ИКРОМОВ,
«Тошкент оқшоми» газетаси экономика ва капитал қурилиши бўлимининг мудири.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида ўз ишнинг усталари жуда кўп. Ҳар бир цехда пешқадам, барчага намуна бўлаётган ишчиларни кўплаб учратасиз. Улар орасида айниқса Нури Раҳматуллаева-сингари ташаббускор ишчилар давр талабларини тўғри тушуниб, ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб ишлаётган, юзлаб ёшларга намуна бўлаётган илғорлар алоҳида ажралиб туради. Н. Раҳматуллаева вақтдан ўзиб ишлаяпти. Иш сифатига ҳам алоҳида эътиборни қаратмоқда. Бугунги кунда бирлашманинг юзлаб ишчи-ёшлари бу илғорга тенглашишга интилмоқдалар.

СУРАТДА: Нури Раҳматуллаева.

Р. Шарипов фотоси.

Тошкентдаги «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси инженерларидан бир группаси Болгарияга—Халқаро машинасозлик ярмаркасига жўнаб кетди. Улар Совет экспонатларидан бирининг авторларидир. СССР станкосозликдаги янгилик — ихчам ишлаб чиқариш модулини намойиш қилади.

Йил бошида «Технолог» бирлашмаси ва Болгариянинг металл қирқиш машиналарн комбинати ҳамкорлик тўғрисида шартнома туздилар. Улар машҳур «Болканкар» фирмасининг буюртмасини биргаликда бажардилар. Микропроцессорларга ўрнатилган модул «одамсиз технология» режимида деталларнинг тўрт хил турига ишлов бериб, бир йилда 60 мингдан ортиқ шундай деталь етказиб беради. Янги модул ўнга яқин мураккаб станокни, йигирмадан ортиқ ишчини бошқа ишларга бўшатиб беради.

— Бизнинг конструкторлик ишланмаларимиз янгиликка асос бўлди, — дейди «Технолог» конструкторлик бюросининг бош инженери В. Белага. — Болгариянинг электроникасидан фойдаланилдн. Ҳамдўстлик давом эттирилади, деб ўйлайман.

«Технолог» бирлашмаси бугунги кунда махсус агрегат станоклар (қишлоқ хўжалик машинасозлиги) тармоғининг бош корхонасидир. Бу ерда мамлакатда биринчи бўлиб ўзгарувчан қайта созланадигаи системаларни яратиш ва тайёрлаш бошланди. Қаттиқ қуйилмалардан прогрессив асбоб ҳам яратмоқдалар, қишлоқ хўжалик машиналарида пластмассани қўлланиш билан шуғулланмоқдалар. Тошкентдаги трактор ва агрегат заводлари, Челябинск трактор заводи ва бошқа корхоналар ҳозирнинг ўзидаёқ «Технолог» бирлашмасининг роботлаштирилган линиялари билан жиҳозланган.

Мана шуларнинг ҳаммаси ишлаб чиқилаётган ва тайёрланаётган махсус конструкторлик бюросида катта қурилиш ишлари бошланди: инженер—лаборатория ва термоконстантли корпуслар, омборлар, социал маданий-маиший объектлар барпо этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳаётий зарур

«Технолог» бирлашмасининг келгусидаги ишлари

юмушлардир: қувватлар ғоят етишмаётганлигн яққол кўриниб турибди. Замонавий станоклар зарур бўлган барча корхоналарнинг эҳтиёжини қай тарика қондириш мумкин? Келгуси йилга кўплаб буюртмалар олинди. Энг янги техникани ишлаб чиқиш ва жорий этишда кўпгина муаммолар бор.

— Афсуски электроникали станокларни қабул қилиб олишга ҳамма корхоналар ҳам тайёр эмас, — дейди В. Белага. — Бундай станоклар учун махсус хоналар, уларни ишлата оладиган юқори малакали кадрлар зарур. Одамларни ўқитишга, янгилик заруратини ҳис этишга ўргатиш керак. Аввалларн ишга киришиш қийин бўлган жойларда эндиликда ишлар юришиб кетганлиги қувонтирмоқда.

Энг замонавий ускунани сўнгги авлод техникаси ёрдамида яратиш керак. «Технолог» бирлашмаси рақамли программа асосида бошқариладиган энг янги станокларни, электрон-ҳисоблаш машиналарини ўз корхоналарида жорий этмоқда. Бу станоксозларнинг барча ишларини ихчамлаштириш кенг қамровли қилиш, ишлар кўламини кенгайтириш имконини бермоқда. Масалан, бош технолог бўлими трактор заводи буюртма берган прицеплар ромларини йиғиб пайвандлайдиган комплексини жорий этди. Станоксозлар ана шу участкада меҳнат унумдорлигини ва маданиятини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга муваффақ бўлдилар. Буюртма тез бажарилди; апрель ойида масала ўрганила бошланди. Август ойининг охирига келиб технология ва ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, комплекс тайёрланиб, монтаж қилинди ва фойдаланишга топширилди.

— Пахта териш машиналарининг 400 та халқа шпинделини ҳам етказиб бердик, — дейди бирлашманинг бош технологи Г. Мухамедшин. — Бу шпинделларни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тармоқлараро маркази билан биргаликда яратдик. Янги шпинделларнинг афзаллиги шундаки, улар ёрдамида ғўзаларни дефолиация қилмай, пахтани териб олиш мумкин. Эндиликда халқали шпинделлар синаб кўрилмоқда. Муваффақиятга эришсак, заводларни ана шу шпинделларни кўплаб ишлаб чиқариш технологияси билан таъминлаймиз.

Термик ишлов берадиган марказий лаборатория. Бу ерда ҳам автоматлаштириш асосий вазифадир. Қишлоқ хўжалик машиналарининг кўплаб ишлаб чиқариладиган деталларини тоблайдиган техника яратилмоқда. Лаборатория бошлиғи А. Херсонский пахта териш машиналари шестерняларини тоблайдиган микропроцессорлардаги экспериментал станокни кўрсатди. Станок соатига 100 та деталга ишлов беради. Электромия бир вақтнинг ўзида иккита станокка хизмат кўрсата олади.

«Технолог» бирлашмаси ходимлари ўзига хос инженерлик марказлари режимида ишлайдилар. Бундай марказлар янгиликни яратиш ва лойиҳалашдан тортиб, уни ишлаб чиқиш ва жорий этишгача бўлган барча жараёнларни ўз зиммасига олади. Бинолардан тортиб коммуникациялар ўтказишгача барча ишлар комплекси, одатдагидек янги ускунада бажарилади. Чунончи, «Чирчиксельмаш» заводида культиваторлар цехини пойдеворидан тортиб, томигача бирлашма мутахассислари ишлаб чиққан.

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси «Машхлопок» бирлашмасининг бўлинмаси сифатида энг аввало пахта ҳосилига ишлов берадиган ва уни териб оладиган техникани яратиш устида иш олиб бормоқда. Бироқ кейинги йилларда илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида агросаноат комплекси бошқа тармоқларининг буюртмаларини бажаришга киришдилар. Буюртмалар пишиқ-пухта ва истиқболни кўзлаб бажарилмоқда.

Ҳозирги вақтда кондитер фабрикалари учун илғор технология яратилмоқда. Бу соҳага ҳам рақамли программа асосида бошқариладиган, мураккаб механик узел қўлланиладиган станоклар зарур. Янгилик бутун республикадаги кондитер фабрикаларининг мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган ускуналарини бутлаш учун мўлжалланган. Кондитерлар пластмассадан тайёрланадиган деталларнинг пресс формасини яратиш тўғрисида ҳам буюртма берганлар.

«Технолог» бирлашмасида корхоналарда ишлатилмаётган станоклар — энг катта ташвиш эканлигини айтмоқдалар. Коллектив бутун техниканн буюртмачиларга ишлаб турган ҳолда топшириш яъни техниканн фабрика ёки заводнинг келажагини белгилайдиган тарзда яратишни ўз вазифаси, деб билади.

Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК МАЖЛИС

● БЕЛГРАД. Югославиянинг Дубровник шаҳри яқинидаги Купари деган жойда сешанба куни социалистик мамлакатлар универсал магазинларн халқаро бирлашмасининг навбатдаги йиллик мажлиси бўлди. Унинг ишида Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи, Чехословакия ва Югославия делегациялари қатнашмоқда.

Мажлисда мазкур бирлашманинг Москвада бўлиб ўтган йилги 20-мажлиси қарорларининг бажарилиш якунлари, шунингдек савдо-сотиқда меҳнатни иқтисодий ва илмий ташкил қилиш масалалари билан шуғулланувчи экспертлар махсус комиссияларининг ўтган йилги иш натижалари муҳокама этилади.

Семинар иш бошлади

АДДИС - АБЕБА. Ер юзидаги экин экиш учун яроқли бўлган барча ерларнинг салкам 20 процентн ва жаҳон аҳолисининг атиги 9 проценти Африкададир. Бу қитъанинг ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлашга эришиши учун реал истиқболлар вужудга келтиради. Африкада экинлар ҳосилдорлигини ошириш муаммоларига бағишланиб сешанба куни Аддис-Абебада очилган семинарда ана шундай хулосага келинди. Айни вақтда қитъадаги уч миллиард гектар экин майдонидан бугунги кунда атиги 181 миллион гектарига экин экилмоқда, дейишди учрашув қатнашчилари.

Марселликлар талаби

ПАРИЖ. Францияда катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган Марсель шаҳрининг савдо портида кемалардан юк тушириш тўхтатиб қўйилди. Мамлакатдаги энг катта касаба союз бирлашмаси —умуммеҳнат конфедерациясининг даъватига биноан марселлик докерлар 24 соатлик забастовка ўтказмоқдалар. Соҳилларга соқчилар қўйилган. Иш ташловчилар маъмурнятдан иш билан таъминланишга кафолат беришни ва меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилмоқдалар.

Объективда—ГДР

Республиканинг Болтиқ денгизи соҳилида, Росток округида социалистик мамлакатлар ёнғиндан муҳофаза органлари вакилларининг 18-конференцияси бўлиб ўтди. Конференция доирасида Варнемюнд рейдида кўргазмали машқлар ўтказилди. Чаққонлик билан ишнинг кўзини билиб қилинган ҳаракатлар натижасида 20 минг тоннали «Тале» юк кемасидаги «ёнғин» қисқа вақтда ўчирилди.

АДН — ТАСС фотоси.

Яқин, Ўрта Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида

ҚОҲИРА. Исроил давлат клиникаларининг врачлари бугун умумий забастовка эълон қилдилар.

Мисрда чиқадиган «Ал-Жумҳурия» газетасининг ҳабар қилишича, маъмурларнинг касалхоналардаги операция хоналари ва профилактика кабинетлари ишини кунннинг биринчи ярмида ишлайдиган қилиб чеклаб қўйиш тўғрисидаги қарори медицина ходимларининг ғазабини қўзғатди. Мамлакат ҳукуматининг ана шу йўл билан аҳолига медицина хизмати кўрсатишда сарф-харажатларни тежашга уриниши юзлаб беморларни зарур медицина ёрдамидан ва врачларни иш ҳақининг анчагина қисмидан маҳрум қилади.

ДАККА. Бангладеш доимий сув тошқини муаммосини беш мамлакат — Бангладеш, Ҳиндистон, Непал, Бутан ва Хитойнинг кенг қамровли ҳамкорлиги билангина тубдан ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблайди. БСС агентлигининг хабар қилишига қараганда, президент Ҳ. М. Эршоднинг яқинда Ҳиндистон билан Непалга қилган қисқа муддатли сафарида унга ҳамроҳ бўлган ташқи ишлар министри Х. У. Чоудхури билан маориф министри А. И. Маҳмуд бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида ана шу ҳақда гапирдилар. Улар Бангладеш президентининг бир кунлик иккала расмий визитининг аҳамиятини таъкидладилар, бу визит давомида Х. М. Эршод ва Р. Ганди ҳамда қирол Бирендра билан ўртадаги дарёларнинг сув ресурсларидан энг мақбул тарзда фойдаланиш ҳамда сув тошқинини таъсирчан контроль қилишни амалга ошириш, шунингдек тошқиннинг олдини олиш йўлларини излаш соҳасидаги ҳамкорлик имкониятларини муҳокама қилди.

ДЕҲЛИ. Покистоннинг махсус хизмат маҳкамалари Ҳиндистоннинг стратегик жиҳатдан муҳим шимолий ва шимоли-ғарбий районларида кескинлик ва беқарорлик вазиятини вужудга келтиришга уринишни кучайтирмоқдалар. «Ҳиндустан таймс» газетасининг хабар қилишича, Покистоннинг Пешавор шаҳри яқинида, шунингдек Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штати территориясида иккита лагерь ишлаб турибди, бу лагерларда Ҳиндистондаги миллатга қарши унсурлардан юзга яқин террорчи Покистон инструкторлари раҳбарлигида тайёргарликдан ўтмоқда. Панжоб штати ҳам Покистон махсус хизмат маҳкамалари иғвогарлик фаолияти объекти бўлиб қолди. У ерда ҳаракат қилаётган сепаратчилар неча йиллардан буён расмий Исломободдан мадад олмоқдалар.

Сўнгги ҳафталарда бутун Ҳиндистон — Покистон чегараси бўйлаб қуролли террорчиларнинг мамлакатга суқилиб киришининг олдини олиш учун кучайтирилган хавфсизлик чоралари кўрилди.

* * *

Ҳиндистон Бош министри Ражив Ганди республика ҳукумати Шри Ланкадаги жамоаларо можароларни бартараф этишга доир Ҳиндистон—Шри Ланка битимини бажариш тарафдори эканлигини айтди. У Тамилнад штатидаги Тирунелвели шаҳрида сўзга чиқиб, Ҳиндистоннинг оролдаги тинчликни сақлаш кучлари Шри Ланканинг шимолий-шарқий вилоятида вилоят кенгашига бўлажак сайловда хавфсизликни таъминлашда маҳаллий маъмурларга тўла кўмак беришларини таъкидлади. У ерода ҳокимият тепасига келиши мумкин бўлган ҳукумат Шри Ланканинг тамил аҳолиси орзу-умидларини қондиришга қаратилган Ҳиндистон—Шри Ланка битими шартларига амал қилади, деб ишонч изҳор қилди.

Табиий офат натижалари

● ПАРИЖ. Франция жанубидаги Гар департаментининг кўпгина районларини ва биринчи навбатда унинг маъмурий марказини қамраб олган кучли сув тошқини натижасида 11 киши ҳалок бўлди. Шаҳарнинг айрим кўчалари сув остида қолди. Автомобиль ва темир йўл магистралларида қатнов издан чиқди, телефон алоқаси линияси шикастланди. Сув ва электр таъминотида узилишлар сезилмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, кўрилган зарар тўрт миллиард франкдан ортиқроқдир. Маъмурлар бедарак йўқолган кишиларни қидирмоқдалар, азият чекканларга ёрдам бермоқдалар. Сув тошқинида жами салкам 45 минг киши зарар кўрди.

ИСЛОМОБОД. Кеча Покистоннинг Лохур шаҳри районида ёмғирдан тошиб кетган Рави дарёсида 22 киши чўкиб кетди.

Сув босган қишлоқлар аҳолисини хавфсиз жойга олиб кетаётган катер оқим тез жойда ағдарилиб кетди. Одамларни қутқариш чоралари кўрилганига қарамай, катердаги пассажирларнинг ярмидан камроғигина қирғоққа чиқиб олишга муваффақ бўлди.

«Муслим» газетаси ана шу фожиа ҳақида хабар қилиб, Покистоннинг Панжоб вилоятидаги сув тошқини юз берган катта-катта районларнинг маълумотлари одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур буюмлар билан таъминлаш тўғрисида етарли жон куйдирмаётганликларини таъкидлади.

КАТМАНДУ. Непалнинг бир қанча районларида ҳаёт учун хавфли бўлган энцефалит, гастроэнтерит ва менингит юқумли касалликлари эпидемияси авж олиб кетди. Олинаётган хабарларга қараганда, сўнгги кунларда Махоттари, Парса, Каплали, Банке ва Данг дистриктларида (вилоятларида) ана шу касаллик натижасида 120 нафардан кўпроқ одам ҳалок бўлди. Юқумли касаллик аввало, Ҳиндистон билан чегара бўйлаб жойлашган текисликдаги районларда тарқалмоқда. Ҳар куни маҳаллий касалхоналарга янги-янги беморлар келтирилмоқда. Непал соғлиқни сақлаш министри Сушила Тхапа хоним эпидемия ўчогини тугатиш учун маъмурлар зарур чораларни кўраётганликларини айтди. Касаллик тарқалган районларга врач группалари юборилди, дорн-дармонлар жўнатилмоқда, профилактика ишлари авж олдирилмоқда.

КАЛЕЙДОСКОП

ҲИНДИСТОНЛИК ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР

Ҳиндистонлик икки мактаб ўқувчиси — 11 ёшли Шамир ва унинг 9 ёшли сингланси Каника венгриялик профессор Рубикнинг янги «Соатлар» жумбоғини ҳеч қийналмай ечишди.

Жумбоқ ҳар икки томонига тўққизтадан соат ўрнатилган ликопча бўлиб, вазифа ана шу соатларнинг ҳаммасини соат 12 га тўғрилашдан иборат. Профессор Рубикнинг ўзи математика ёрдамида бу масалани ечиш мумкин, аммо бунга кўп вақт кетади, деб ҳисоблайди. «Ҳинду» газетасининг тасдиқлашига қараганда, профессорнинг ўзи ҳам дастлаввал янги жумбоқни ечолмаган экан.

Шамир жумбоқни 25 секунд мобайнида, унинг сингланси 2 минут мобайнида ечади. Ҳиндистон статистика институтининг профессори Р. Б. Бапат болакайлар ана шу жумбоқни қандай ечишини кузатибди. Соатлардаги рақамлар вазиятининг чеки йўқ, эҳтимол бу болада шу ҳилдаги масалаларни ечишга алоҳида қобилият бўлса керак, дейди у.

Шамирнинг ўзи эса мен ҳеч қандай математика ёки логика усулларига амал қилмайман, ички бир ҳиссиёт ёрдам беради: «миямда бир нарса ярақлаб кетади ва мен беихтиёр ҳаракат қиламан» дейди. Болакайга эҳтимол ўзига хос ёндошув ва содда ақли ёрдам бераётган бўлиши мумкин, деб шарҳлайди профессор.

Ҳиндистонлик болалар Рубик билан учрашишни орзу қилишади. Ҳозир у Буюк Британияда, ўзининг янги жумбоғини ечаоладиганларни қидирмоқда. Унинг келаси йилнинг бошларида Ҳиндистонга келиши кутилмоқда.

ЯНГИ АВТОМОБИЛЬ

Братиславаликлар ва АЗЛК ўртасида тўғридан тўғри ишлаб чиқариш ва илмий-техник алоқалар тўғрисида яқинда имзоланган шартномага мувофиқ яратилган дастлабки кичик литражли машина 1993 йилнинг бошларида «Братислава автомобиль заводлари» бирлашмаси конвейеридан тушириб олинади. Бу ерда маълум қилишларига қараганда, Чехословакиянинг машҳур «Шкода-1203» модели ўрнини босадиган ана шу машиналар бир неча модификацияда бўлади. Масалан, унинг двигателини Совет Иттифоқида йиғиш, ўқини эса ЧССРда ясаш мўлжалланади. Машина кузовини ҳар икки мамлакат ўзида тайёрлайди. Даставвал ҳар икки заводда йилига 10 мингтадан машина ишлаб чиқариладн, кейинчалик бу рақам ошиб боради.

ХХАСР ОВОЗИ

Демократия куйчиси

Америкалик хонанда Жоан Баэз ижоди неча ўн йиллардан бери халқ ашулалари ва норозилик туйғулари билан йўғрилган қўшиқларга хайрихоҳ бўлган ёш америкаликлар қалби ва руҳиятида муносиб ўрин олган.

Ялангоёқ «фолк музика қироличаси»нинг портрети «Тайм» журналининг муқовасига тушган ўша замонда қизчанинг ёши йигирмада эди. «Ўша кезлар мен вақтнинг жузъий бир зарраси эдим», — дея эслайди Жоан Баэз. Лекин ҳозир-чи, чорак асрдан кейин?

Туғма иқтидор эгаси ҳанузгача ўзининг концертлари билан омма орасида саҳнага чиқади, янги-янги альбомлар чиқаради. Яқиндагина унинг «Овоз—куйлаш учун» китоби чоп этилди. Буни — кашф этиш, ёшлик йиллари ҳақида ҳаққоний ва қизиқарли эсдаликлар, ижрочилик мавқеи, жамоат фаолияти, шунингдек шуҳрат ҳақидаги ўйлар деса бўлади.

Фаол жамоатчининг гражданлик ҳуқуқлари ҳимоячиси Мартин Лютер Кинг билан ёнма-ён демократия учун кураши, Вьетнамдаги урушга қарши эҳтиросли чиқишлари, «Халқаро амнистия» ташкилоти ғарбий бўлимининг юзага келишидаги роли мамлакат, бутун қитъа узра ёйилди.

— 60-йилларда мен ҳамма нарса ҳақида очиқ-ойдин гапирар эдим. Аксарият суҳбатдошларим мени узоқ эшитмас, гапларимдан кўра қўшиқларимга қулоқ солишни афзал кўрардилар.

Баэз ўзининг асарида 80-йиллар ҳақида таажжубда эканлигини ёзади, кишилар онгидаги шахсий манфаатлар йўналишининг устунлиги-ю, инсонийлик фазилатларининг тақчиллигини яширмайди. Айниқса, мансабпараст шаҳарликларнинг турмуш тарзини ҳаво шарчасига таққослайди: ичи бўм-бўш!

Унинг ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бўлмиш тинчлик иши борасидаги фикрларига қулоқ тутинг-а:

— Планетамизда инсонпарвар шахслар талайгина бўлган ва келгусида ҳам уларни тарих яратаверади. Чунончи, Махатма Ганди ва унинг давомчилари Мартин Лютер Кинг, Анжела Дэвис... Тазйиқсиз ҳаётнинг асл моҳияти, қуролдан воз кечиш билангина чекланмайди, аксинча ички ва халқаро проблемаларни ҳал этиш йўлида тинч муросага келишдан иборат, менимча. Ахир, инглизлар бежиз айтмайдиларку: «Интилганга толе ёр». Бу иборада мазмун бор. Биз амин бўлишимиз керакки, ҳаёт давом этади ва биз уни ҳимоя қилажакмиз.

Бобур ГИЁСОВ
тайёрлаган.

Ив БЕРЖЕРС, Франция.

Ажойиб бир боғда

Ғам-у аламларга кўникиб
Улар юксалдилар,
Пояма-поя
Йилма-йил, ойма-ой, ҳафтама-ҳафта,
Ва бирдан пайдо бўлди икков дафъатан
Ажойиб бир боғда —
Ям-яшил орзунинг қоқ марказида.
Жилға тиллаланар, ўрмон дарахтлари
Интилар
уларни қучоқламоққа.
Худди шу ёз кунн каби, уларнинг
Қони ҳам қизғиндир —
Томирда оққан.
Улар хонадони майсалар ва сув,
О, нақадар кенг бу хонадон
Майсага ястаниб икковлон
Унутарлар бақироқ дарёни.
Сув бўлса, уларнинг оташ танига
Салқин югуртирар бир титроқ каби.
Сув сапчир, арғумоқ оғзидан чиққан
Муқаддас кўпикдай кўпиради у
Ва шовқин деворн ортидан яна
Эшитила бошлар ғаму аламлар.
Ва яна уларнинг қувончи аста
Жарга тақаладн, қонли қирғоққа —
билинар-билинмас емирилаётган
Қуршаган лаб мисол қирғоққа.
Уларнинг қувончи — бир гулшан,
беомон, шафқатсиз дунёда
Ноқонуний гуллаётган боғ.
Дунё ўпқон каби яқинлаб келар,
Уларни қучмоққа шайланар худди,
Илоҳий нур мисол — меърож сингари
Бу дунё ичида қурашар гўё
Нафрат билан завқ.
Уларнинг бахти —
Чангалзорда яланг бир жойдай.
Кун эса —
Ўтмиш ва келажак ўртасидаги
Ойдин бир ойна.
Ва улар гулшанга кўмилиб
Қушларнинг куйига чўмилиб
Момиқ, хушбўй майсалар узра
Қуёшнинг нурига айланиб
ётар.
Аммо икков бориб бирдан энгашар . . .
Жарга.
Шу заҳот чақнайди яшин.
Булут чопиб келар ҳансираб
Ва Бошин қўяди яшиннинг
Ёрқин қиличи остига.
Улар жарга қулар,
Таниб улгурмасдан . . .
Бир-бирини.
Бир зумда уларни ютар,
Кунни сиғиб чиқаради сув
Уларнинг ҳайрона ёдидан.
Чўка бошлар икков, чўкарлар буткул.
Энди уларнинг боғи — сув ости.
Вақт бошларн узра
Қулфланди ойдин кўл шаклида.
Уларнинг сўзларини сув такрорлайди.
Аммо бу меванн
Иккависи тушунар фақат.
Сув тубида.
Уларнинг бахти —
Ҳали ҳам жони узилмаган
Иссиқ умиди.
Шу пайт ногаҳонда
Сувнинг тубида
Бир нур «ярқ» этади чақмоқ мисолн.
Шу нур аро парча-парча бўлиб кўринар
Уларнинг кўзларн, уларнинг юзи.
Ва ёввойи гўзаллик, ваҳший маҳобат
Уларни оҳиста қўйнига олар
Қора кийган гўзал аёл сингари . . .

Русчадан
Муҳаммад СОЛИҲ
таржимаси.

Жонажон Ватан бўйлаб



Татаристон АССР. Мастер Азгар Хабибуллин бригадаси «Татнефть» бирлашмасининг Альметьев бурғилаш ишлари бошқармасида энг кўп қудуқ бурғилаш бўйича соцналистик мусобақада пешқадамлик қилиб келаяпти.
СУРАТДА: бурғидаги вахта.

М. Медведев фотоси.



Мюнхенга, минералогия мухлисларининг 25-Жаҳон кўргазма-ярмаркасига ўз вакилини юбориш ҳақидаги таклифнома Свердловск шаҳри ёшлар илмий-техника ижоднёти маркази тош ўймакорлари учун кутилмаган воқеа бўлгани йўқ. Ана шу ваколатли анжуманда уларнинг номидан тошларнинг таниқли билимдони ва коллекционери, бир неча ой муқаддам мазкур марказда ташкил этилган минералогия бўлимининг раҳбари Владимир Пелепенко иштирок этади.

Бўлим аъзолари ўз олдиларига Урал тош ўймакорларининг илгариги шуҳратини тиклаш вазифасини қўйишган. Ташаббускорлар геология ва минералогия соҳасидаги чуқур билимларини кески билан ишлаш маҳоратига қўшиб олиб бормоқдалар.

СУРАТДА: ураллик усталар кўҳна рус ҳунармандчилиги — финифта сирларини эгаллашга қодир бўлиб чиқишди. Яқин кишингизнинг портрети сизга керак эмасми? Унинг оригиналдан фарқ қилмаслигига кафолат берамиз, деб тасдиқлашади В. А. Пелепенко ва унинг дўстлари.

Б. Кавашкин фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

Нима? Қачон? Қаерда?

10 — 16 ОКТЯБРЬ

ЯНГИ АСАР ПРЕМЬЕРАСИ

Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театр репертуари яна бир янги саҳна асари билан бойиди. У латиш драматурги Мартинкавичюснинг «Сўнмас аланга» («Прометей») икки қисмдан иборат романтик трагедиясидир.

Асарни режиссёр Рустам Бобохонов саҳналаштирди. Бастакор Мустафо Бафоев мусиқа басталаган. Бош ролларда Ўзбекистон ССР халқ артисти Маҳмуджон Ғафуров, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Абдуғафур Абдурахмонов, Сурьат Пўлатов ва бошқалар қатнашмоқдалар.

Янги асар бугун 10 октябрь куни соат 19 да томошабинлар диққатига ҳавола этилади.

ҚАҲРАМОН ОНА ШАРАФИГА

«Ёш гвардия» театрида шаҳримиз аҳолисининг фахри бўлган Қаҳрамон оналар шарафига маданий тадбирлар ўтказиш доимий анъанага айланди. Бу ҳафтада ҳам Октябрь ва Акмал Икромов районларида истиқомат қилувчи Қаҳрамон оналар театрга таклиф этилган. Улар томошабинлар билан учрашиб, ўзларининг турмуш ҳақида гапириб берадилар. Шундан кейин улар шарафига ёзувчи Сайд Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» спектакли намойиш этилади.

Бу маданий тадбир 15 октябрь куни соат 18 да бошланади.

ТОШКЕНТ ОВОЗИ

Бугунги кунда Тошкент радиосининг овозини ер курраси сиқдаги 80 дан зиёд мамлакат тингламоқда. Жонажон шаҳримиздан ўзбек, инглиз, ҳинд, урду, уйғур, форс, араб тилларида ҳорижий эллар учун берилаётган эшиттиришлар минглаб тингловчиларга манзур бўлмоқда. 1947 йилда ҳорижий элларга радио эшиттиришларни бошлаган Тошкент радиоси жуда кўп тингловчилар билан узвий алоқа боғлаган. Биргина «Ассалому алайкум» клубига Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон, Япония, АҚШ, ГФР, Буюк Британия ва бошқа мамлакатлардаги тингловчилар эфир тўлқинлари орқали аъзо бўлишган.

Тошкент чет элларга радиоэшиттириш бўлимининг асосий мавзуси «Урушларсиз, қуроллансиз дунё—социализм идеалидир» деган шиорни қамраб олади.

СССР чет эл туризми давлат комитетининг Тошкентдаги маданият-ахборот марказида ана шу ном остида очилган кўргазма Тошкент радиосининг фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Бу кўргазмани ҳафта давомида томоша қилиш мумкин.

БИЛИМЛАР УЙИДА

Билимлар уйи бу ҳафта тингловчилар учун бир қатор қизиқарли тадбирлар ташкил этган. Улардан бири «Ҳозирги даврда КПССнинг ташқи сиёсий фаолияти» деб аталади. Суҳбатни 10 октябрь куни соат 18 дан 30 минут ўтганда ўтказиш белгиланган.

Шу кунларда шаҳримизда меҳмон бўлиб турган Таганкадаги Москва драма ва комедия театрининг артистлари ўз томошабинлари билан учрашадилар. Бу учрашув 11, 12, 14 октябрь кунларн соат 20 да ўтказилади.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНИ

«Москонцерт»нинг сатира ва юмор жанрида ижодий устахонаси мушаллиф-ижрочиси Николай Тамразов ва Москва эстрадасининг бир қатор артистлари шаҳримиз томошабинларига хизмат кўрсатишмоқда. Москвалик санъаткорлар 10 — 13 октябрь кунларида кабель заводи маданият саройи, кўприр жамияти маданият саройи, ядро физикаси ва Округ Офицерлар уйида кулги ва ҳажв оқшомини ўтказадилар.

МОНГОЛ ЦИРКИНИНГ ТУҒИЛИШИ

Бундан уч йил муқаддам мамлакатимиз цирк санъати усталари қардош Монголия Халқ Республикасида гастролъ сафарида бўлишганида, дўстларимизни цирк санъати сирлари билан яқиндан бохабар қилиб ўз санъатларини ўргатган эдилар. Ўшанда Ўзбекистон ССР халқ артисти Камолиддин Тошканбоев раҳбарлигидаги дорбозлар группаси ҳам қатнашган эди. Бу қардошлик ва дўстлик учрашуви яхши самара берди. Монгол дўстларимиз ўзларининг миллий циркини яратиб, биринчи марта Тошкентга гастроль сафари билан келишди. Меҳмонларимизнинг завқли ва қизиқарли чиқишлари Тошкент Давлат цирки биносида шу ҳафта мобайнида ҳар куни намойиш этилади. Монгол цирк чилари Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Навоий шаҳарларида ҳам бўлиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар.

А. ПЎЛАТОВ,
«Тошкент оқшоми» жамоатчи мухбири.

Революция билан туғилган

Куба узоқ вақт Америка империализмининг «киноколонияси» бўлиб келган. Ундан фақат суратга олиш майдони ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни ўтказадиган бозор сифатида фойдаланишарди. Шу сабабли ҳам «Эль-Мегано» картинаси булутсиз мусаффо осмонда гумбурлаган чақмоқдек янгради.

Бундай жасоратга «Нуэстро тьемпо» («Бизнинг давр») тараққийпарвар ижодкор зиёлилар жамияти аъзолари журъат этишганди. Ўша пайтда ҳали ёш, куч-қувватга тўла бўлган Томас Гутьеррес Алеа, Хулио Гарсиа Эспиноса, Альфредо Гевара, Хосе Массип ва Сантьяго Альварес бўлажак Куба киносининг намоёндалари эди.

«Эль-Мегано» бир неча марта намойиш қилинди. Кейин эса ҳокимият вакиллари фильмни мусодара этиб, унинг ижодкорлари устидан жиноий иш қўзғадилар.

1959 йили март ойида улар яна йиғилишди. Революцион Куба Республикаси маданият соҳасида қабул қилган қонунлардан бири кино санъати ва кино саноати институти бунёд этиш тўғрисидаги декрет бўлди.

— Кино биз учун барча даврларда инқилоб ғалабаларини ҳимоя этиш қуроли, янги жамият қурилиши учун зарур ва ишончли восита бўлиб хизмат қилди, — деган эди интервьюларнинг бирида Куба кино институти раҳбари, маданият министрининг ўринбосари Хулио Гарсиа Эспиноса.

«Янгиликлар» деб номланган биринчи фильм Куба инқилоби тўғрисидаги воқеаларга бағишланган бўлиб, чет элда катта қизиқиш уйғотди.

Ҳозир орадан 29 йил ўтгач, Куба киносини маълум даврларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Революцион Куба киносининг биринчи авлод вакиллари (Томас Гутьеррес Алеа, Хулио Гарсиа Эспиноса) яратишган картиналарда сиёсий аҳамияти жиҳатидан катта вазифалар ҳал этилди — ўтмиш воқеаларига аниқлик киритилиб, Куба тарихи ёлғон-яшиқ, бўҳтонлардан тозаланди.

Иккинчи авлод вакиллари (Умберто Солас, Мануэль Октавио Гомес) зиммасига ҳам аҳамияти жиҳатидан биринчиларникидан қолишмайдиган масалаларни ечиш юклатилди. Улар Куба халқининг ҳақиқий қиёфасини ифодаловчи, миллий характерига хос бўлган хусусиятларни умумлаштириш йўлида ижодий изланишлар олиб боришди.

Учинчи авлод (Октавио Кортасар, Серхио Ҳирал, Пастор Вега) инқилобнинг биринчи қунлари, одамлар онгида юз берган катта ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилади.

Куба йилига 12 та тўлиқ метражли картинани экранларга чиқаради.

Кино санъати ва кино саноати институти ўз ватанида эркин ижод қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган чет эллик кинематографчиларга бегараз ёрдам бериб келмоқда.

Кубалик киночилар ўз йўлларига, ўз темаларига ҳамиша содиқдирлар. Мамлакатимизда йил сайин намойиш этилаётган фильмлар фикримизнинг далилидир.

Шуҳрат ҲИДОЯТОВ.

Александр КУПРИН

Дарахтзор

Ҳикоя

Александр Иванович Куприн турли даврларда яратган асарлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар нақадар хилма-хил бўлмасин, ҳамма танқидчилар унинг бир хислати тўғрисида ягона фикрда. Бу хислатни Константин Паустовский жуда яхши ифода этган: «...Унинг азбаройи одамийлиги учун, ўткир таланти учун, ўз халқи бахт-саодатига қаттиқ ишончи учун, ниҳоят, нафосатдан заррача бахраманд бўлса, гуриллаб порлаб кетишдек уни ҳеч қачон тарк этмаган қобилияти учун... биз Куприндан миниатюр бўлишимиз керак».

Уни қизиқтирмаган бирон мавзу, бу санъаткорга бегона бироита жанр бўлмаса керак. Инсон: унинг ҳис-туйғулари, заҳматлари, ташвишлари, фикр-андишалари, унинг севги азоби, севги орзуси, севги ҳасрати йўлида чеккан интизорлик лаззатлари Куприн китобларн магзини ташкил этадн.

Повестлар ва ҳикояларининг мавзуси, сюжети қанчалар хилма-хил бўлишига қарамай, уларнинг ҳаммасида Куприннинг инсонга муҳаббати барқ уриб туради. Инсонни севиш ҳақида Куприн кўпинча очиқдан-очиқ, «ялангоч» гапирмайдн. Лекин унинг ҳар бир ҳикояси инсонийликка даъват этадн.

Куприн учун муқаддас бир мавзу бор. Бунга у ниҳоят даражада зўр ихлос билан, ҳаяжонланиб қалам урадн. Бу — муҳаббат мавзуси. Муҳаббат ҳақида, муҳаббатга ташналик ҳақида, ундаги назокат, садоқат, интизорлик, мангу ёшлик ҳақида Александр Ивановичнинг нафис ва ажиб ҳикояларн кўп. «Дарахтзор» — ана шу ҳикоялардан бирн.

Хотини эшик очгунча Николай Евграфович Алмазовнинг тоқати тоқ бўлди, кейин пальтосини ҳам, фуражкасини ҳам ечмай, кабинетига кириб кетди. Хотини унинг қовоғидан қор ёғиб, қошлари чимирилиб турганини, диққати ошиб, остки лабини тишлаб олганини кўрган заҳоти, жуда катта бахтсизлик бўлганини фаҳмлади... У индамасдан эри кетидан кираверди. Алмазов кабинетда бурчакка тикилиб, бир минутча қимир этмай туриб қолди. Кейин портфели қўлидан тушиб, очилиб кетган эди, ғазаб билан бармоқларини қарсиллатиб, ўзини креслога отди.

Фақиргина ёш офицер Алмазов Бош штаб академиясида ўқир эди, ҳозир ҳам ўша ердан келиб турганн. Бугун у сўнгги, энг қийин амалий ишини — бир ернинг ўлчаб чизилган планини профессорга кўрсатгани борган эди...

Ҳозиргача у ҳамма имтиҳонларни амаллаб келаётган, лекин бу қанчалик қийин қўчаётганини Алмазовнинг хотини билар эди... Ҳатто академияга киришнинг ўзи олдинига иложсиздай туюлган эди. Алмазов қаторасига икки йил имтиҳонлардан дабдаба билан йиқилиб қайтди, учинчи йилигина қаттиқ заҳмат чекиб, ҳамма чиғириқлардан ўтди. Хотини бўлмаса, эҳтимол, у ўз қурбига ишонмай, ниятидан воз кечиб юборган бўларди. Лекин Верочка унинг руҳин тушиб кетишига йўл қўймас, доим бардам бўлишига илож топиб юрарди... У ҳар қандай нохушлик юз берса тушкунликка тушмайдиган, ҳатто чеҳрасига сўниқлик йўлатмайдиган бўлиб қолган эди. Узи учун энг зарур нарсалардан кечиб, ақлий иш билан машғул киши— эрига сал бўлса ҳам шароит яратиб беришга интиларди. Зарур бўлса, ёзувларини кўчириб, чизмаларини чизиб, китобларини ўқиб бериб, ҳатто хотира дафтари ўрнида эрига хизмат қиларди.

Беш минутча уларнинг иккови ҳам оғиз очиб, бир нима демади. Фақат будильникнинг икки марта равон, учинчи гал бузуқроқ чиқаётган, кўпдан бери таниш, тезда жонга тегиб кетган мунгли «чиқ, чиқ, чирх-чиқ»ни жимликни бузарди. Алмазов пальтоси билан шапкасини ечмаган кўйи тескари қараб ўтирарди... Ундан икки қадамча нарида Вера ҳам, кўнгил ғашлиги кўҳлик, асабий юзидан шундоққина сезилиб, жим турарди. Ниҳоят, у оғир ётган яқин кишиси устида гапираётганда фақат хотинлар қўлидан келадиган эҳтиётлик билан гап бошлади:

— Коля, ишинг нима бўлди ўзи?.. Бўлмадими?

Алмазов кифт силкиб қўйди-ю, индамади.

— Коля, планинг чатоқ дейишдими? Айтақол, барибир бирга ўйлашамиз-ку.

Алмазов хотини томонга шарт айланиб, кўпдан бери сақлаб юрган гина очилиб кетгандаги сингари қизишиб, аччиғланиб гапира бошлади:

— Ҳа-да, ҳа, чатоқ дейишди, жуда билгинг келаётган бўлса. Наҳотки кўрмаётган бўлсанг? Ҳаммаси чиппакка чиқди!.. Энди мана буларни, — у чизмалар солинган портфелини тепиб юборди, — буларнинг ҳаммасини ёқиб ташлаш керак, Академия эмиш-а. Бир ойдан кейин полкка қайтаман, қайтганда ҳам шармандам чиқиб қайтаман. Битта бемаъни доғ деб шундай бўлиб ўтирсам-а... О, лаънати!

— Доғинг нимаси, Коля? Тушунмаяпман.

Вера креслонинг ёндорига ўтириб, бир қўли билан Алмазовнинг бўйнидан қучоқлаб олди. Эри бунга қаршилик қилмади-ю, аммо бурчакдан кўз узмай, тўрсайганча ўтираверди.

— Қанақа доғ ўзи, Коля? — деб сўради Вера яна.

— Қанақа доғ бўларди, яшил доғ. Биласан-ку, кечаси учгача ухламадим, ишимни тугатишим керак эди. План жуда чиройли чиқди, рангли жойлари ҳам зўр. Ҳамма шундай деяпти. Ҳа, энди, кечаси билан чизавериб толикдим, қўлларим қалтираб кетди — бўёқ тўкиб юбордим... Чизган планимнинг бир жойига қуюқ, ёғли доғ тушиб қолди. Тозалайман деб, баттар чаплаштириб юбордим. Нима қилишни билмай, ўйлай-ўйлай, ахири шу дарахтзор шаклини чизиб қўйдим... Жуда яхши чиқди, доғ ҳам билинмай кетди. Бугун профессорга олиб бордим. «Хўш, бу дарахтлар қаёқдан келиб қолди, поручик?», деса бўладими. Бор гапни айта қолсам-ку, олам гулистон. Эҳтимол, кулиб қўя қоларди... Лекин, йўқ-йўқ, кулмасди— у шунақанги батартиб, расмиятчи немиски, «Бу жойда ўзи дарахтлар бор» деб юборибман. У бўлса «Йўқ, бу жойларни беш қўлимдай биламан, ҳеч қанақа дарахт бўлиши мумкин эмас», деб туриб олди. Гапдан-гап чиқиб, жуда чувалашиб кетди. Бунинг устига анчагина офицерларимиз ҳам бор эди. «Хўп, шу жойда ростдан дарахт бор демоқчи бўлсангиз, — деди у, — эртага марҳамат қилиб, мен билан бирга ўша ерга борасиз... Ё эътиборсиз иш қилганингизни, ё бўлмаса уч чақирим масштабли картадан шундоққина кўчириб қўя қолганингизни исботлаб бераман сизга...».

— Нимага энди, у бунчалик ишонч билан, у ерда дарахт йўқ, дейди?

— Ух, худойим-эй, нега бўларди? Қаёқдаги савоплларни берасан-а ёш болалардай. Шунгаки, йигирма йилдан бери бу ерларни ўз ётоғидан ҳам яхшироқ биладн. Бунақанги синчков расмиятчи бу дунёда бўлмайди ,унинг устига яна немис... Ахири бориб мен ёлғон гапирган, бунинг устига ноҳақ айтишган бўлиб чиқаман... Бундан ташқари...

Бутун гапи давомида у олдида турган кулдондан ёнган гугурт чўпларни олиб, майдалаб ўтирган эди, гапдан тўхтаган заҳоти уларни зарда билан ерга улоқтирди. Шундай забардаст йигит йиғлаб юборай деяётгани билиниб турарди.

Эр-хотин анчагача оғир ўйларга ботиб, индамай ўтиришди. Кейин Верочка даст ўрнидан туриб:

— Менга қара, Коля, ҳозироқ йўлга тушамиз! Тезроқ отлан, — деди.

Николай Евграфовичнинг юзи оғриққа азбаройи чидолмай қолгандай буришиб кетди.

— Э, қўйсанг-чи, Вера, бўлмагур гапни. Наҳотки бориб узр сўрайди, деб ўйласанг. Унда ўз-ўзимни боғлаб берган бўламан-ку. Қўй, бемаънилик қилма.

— Йўқ, бемаъниликмас, — деди Вера ер тепиниб. — Ҳеч ким сенга, бориб узр сўра, деяётгани йўқ... Ҳамонки, ўша сабил қолгур дарахтзор йўқ экан, дарҳол дарахт ўтқазиб қўйиш керак.

— Дарахт ўтқазиб қўйиш керак?... Николай Евграфовичнинг кўзлари косасидан чиқиб кетаёзди.

— Ҳа, ўтқазиб қўйиш керак. Елғон гапиришга гапирдингми — энди иложини қилиш керак. Отлан, шляпамни олиб бер... Кофточкамни ҳам... У ердамас, шкафни қара... Зонтикни ол!

Эътироз қилмоқчи бўлиб гапирган гапига хотини парво ҳам қилмагандан кейин Алмазов шляпа, кофточка қидираётганда, Вера жавонларнинг яшигидан ҳар хил саватчалар, қутичаларни олиб, очиб кўрар, ер билан битта қилиб улоқтириб юборар эди.

— Зирак... Шу ҳам матоҳми... арзон-гаров нарса...Мана бу ёқут кўзли узук... Кейин, албатта, қайтиб олиш керак... Қолиб кетса, алам қилади. Билакузук... бу ҳам унча қимматмас. Улгудай эски, яна пачоқ... Кумуш портсигарнинг қаерда, Коля?

Беш минутга қолмай қимматбаҳо нарсаларнинг ҳаммаси ридикюлга жойланди. Вера, аллақачон кийиниб бўлган, бирон нарса эсдан чиқмадимикан, деб, ҳамма ёқни сўнгги бор кўздан кечирарди.

— Кетдик, — деди у ниҳоят, чўрт кесиб.

— Қаёққа борамиз? — деди Алмазов унамай. — Ҳадемай қоронғи тушади, менинг участкамгача эса ўн чақиримча келади.

— Ҳечқиси йўқ... Кетдик!

Алмазовлар олдин ломбардга киришди. У ердаги нарх қўювчи кишининг одамлар кун сайин бошдан кечирадиган бахтсизликларга кўп йиллардан бери кўникиб кетиб, уларни писанд қилмайдиган бўлиб қолгани кўриниб турарди. Келтирилган нарсаларни у шу қадар синчиклаб, узоқ-узоқ текширардики, Верочканинг жони нақ бўғзига келаёзди. Ҳаммадан ҳам ёқут кўзли узукка кислота томизиб кўргани, тортиб кўриб, уч сўм нарх қўйгани Верочкага жуда алам қилди.

— Ахир бу ҳақиқий ёқут-ку, — дерди Вера жаҳли чиқиб,— ўттиз етти сўм турарди-я, ўшанда ҳам топилса.

Нарх қўювчи чарчоқ бир лоқайдлик билан кўзини юмиб:

— Бунинг фарқи йўқ бизга, хоним, — деди. — Биз умуман тош олмаймиз, — деди тарози палласига навбатдаги нарсани ташлаб туриб. — Фақат маъдан қисмига нарх қўямиз.

Лекин, Вера ҳеч кутмаган, эскиб кетган пачоқ билакузук жуда қиммат баҳоланди. Хуллас, ҳар қалай, йигирма уч сўмга яқин пул чиқадиган бўлди. Бу бемалол етарли эди.

Алмазовлар боғбон уйига етиб боришганда, Петербург ёруғ тунининг нимранг ёгдуси еру фалакни қоплаб олган эди. Кўзойнак таққан, кичкина, кекса чех боғбон онласи эндигина овқатлана бошлаган эди. Буюртмачиларнинг бунчалик бемаҳал келгани, уларнинг ғалатироқ илтимоси боғбонга ёқмади, уни ажаблантирди. Бунда бирон сир бор, деб ўйлади шекилли, Верочканинг ялиниб-ёлворишларига совуққина жавоб берди:

— Кечирасиз-у, лекин тун пайтида бунақанги узоқ жойга ишчиларни юборолмайман. Эртага эрталаб десангиз бошқа гап — бош устига.

Энди ўша лаънати доғ воқеасини боғбонга муфассал сўзлаб беришдан бўлак чора қолмади. Верочка худди шундай қилди. Боғбон олдинига ишонқирамай, ҳатто ҳадиксираб тинглади, лекин Вера дарахт ўтқазиб қўйиш қандай хавлига келиб қолганини айтганда, сал эътибор бера бошлади, ачингандай, бир неча бор жилмайиб ҳам қўйди.

— Ҳай, на чора, — деб унади боғбон Вера гапини тугатганда, — хўш, қандай дарахтлар керак?

Лекин боғбонда бор дарахт навларидан ҳеч бири тўғри келмади: чорночор сирень дарахтини танлашди.

Алмазов, хотини уйга кета қолсин, деб ҳарчанд уринди — бўлмади. Вера эри билан бирга бориб, дарахт ўтқазиб бўлишгунча ўралашиб, ишчиларга халақит бериб юрди. Ўтқазилган дарахтлар атрофига ётқизилган чимни шу жойдаги тамоми ўтўланлардан мутлақо фарқ қилиб бўлмаслигига қаноат ҳосил қилгандан кейингина уйга қайтишга кўнди.

Эртасига Вера уйда ўтиришга сабри чидамай, эрини кўчага чиқиб кутди. Эри салгина лапанглаб, дадил келаётганини узоқдан кўрдию, кўнгли ўрнига тушди: демак иш ҳаярли тугабди... Бошдан-оёқ чанг босганига, чарчоқ ва очликдан оёқлари букилиб кетаётганига қарамай, Алмазовнинг чеҳраси ғалаба тантанасидан чиндан ҳам барқ уриб турарди.

— Яхши! Жуда зўр! — деб бақирди у ўн қадамча қолганда, хотининнинг юзидаги ташвиш ифодасига жавобан. — Бури қараки, иккаламиз ўша жойга етиб бордик. Ҳайрон бўлиб, обдон тикилди, ҳатто битта баргни узиб, чайнаб кўрди. «Бу қандай дарахт?», деб сўради. «Билмайман, профессор жаноблари», дедим. «Қайин дарахтимикан?» деган эдн. «Қайин бўлса керак, профессор жаноблари», деб қўя қолдим. Шунда мен томонга ўгирилиб, ҳатто қўл бериб: «Кечиринг мени, поручик. Бу ерда дарахт борлигини унутибман, демак кексая бошлабман шекилли», деди. Ажойиб одам-да, бу профессор жуда ақлли. Аммо уни алдаганимга ачиниб кетяпман. Энг яхши профессорларимиздан. Илми ниҳоятда зўр. Ҳар қанақа жойнинг хусусиятларини шунчалик тез, шунчалик аниқ айтиб берадики — ҳайрон қоласан!

Лекин эрининг айтганлари Верани ҳеч қониқтирмасди. У қўярда-қўймай эрндан профессор билан бўлиб ўтган гапларнинг ҳаммасини қайта-қайта, яна ҳам муфассал сўзлаб беришни сўрарди. Профессорнинг юзи қанақа бўлиб кетганию у ўзининг кекселиги ҳақида қандай оҳангда гапирганича, ўшанда Колянинг ўзи қай аҳволга тушганигача — ҳаммасини битта қўймай билгиси келарди...

Эр-хотин, гўё кўчада улардан бўлак ҳеч ким йўқдек, қўл ушлашиб, тўхтовсиз кулишиб, уйларига қайтардилар. Йўловчилар бу ғалати ошиқ-маъшуқни яна бир кўриб олиш мақсадида ҳайратдан лол тўхтаб-тўхтаб қолардилар...

Николай Евграфович ҳеч қачон бугунгидек иштаҳа билан овқатланмаган эди... Овқатдан кейин Вера Алмазовнинг кабинетига чой келтирганда, эр-хотин бараварига кулиб юборнб, бир-бирларига қараб қолдилар.

— Нимага куляпсан? — деб сўради Вера.

— Сен-чи?

— Йўқ, сен олдин айт, мен кейин.

— Ўзим, шунчаки. Сирень эсимга тушиб кетди.

— Мен ҳам шунчаки, ўзим. Мен ҳам сиренни эслаб қолдим. Айтмоқчиманки, энди сирень умрбод энг севимли гулим бўлиб қолади...

Русчадан
Эркин ЖАББОРОВ таржимаси.

Гул-чечаклар тоғлар келини.
З. Ҳакимов фотолари.

Муҳаббат можароси

(Китобхон эр-хотиннинг айтишуви)

ЭР. «ДУНЕНИНГ ИШЛАРИ» ҳам жуда қизиқ эканда. «УМИД» билан бир ёстиққа бош қўйсагу, сиз худди «КЕНГ УЙНИНГ КЕЛИНЧАГИ» дай, ҳар куни ноз-фироқ қиласиз.

ХОТИН. «МУҚАДДАС» айтувди-я, «ШУМ БОЛА»ГА турмушга чиқма, у гапиришниям билмайди деб. Жуда тўғри айтган экан. Бошқаларнинг эридай гаплашиб ўтирсангиз бўлмайдими, ахир.

ЭР. Нимани гапирай? «БЕШ БОЛАЛИ ЙИГИТЧА» бўлсам, «ОМОНБОЙ БИЛАН ДАВРОНБОЙНИНГ САРГУЗАШТЛАРИНИ» айтиб берайми?

ХОТИН. Нима десангиз денг-да. «ДИЕНАТ» бормн сизда! «СЕВАРА», «ЖОНГИНАМ» ШАРТИНГНИ АЙТ» деб алаҳсирамасангиз бўлди.

ЭР. Ие, ўзларичи, кечаси билан «ЕДГОР», «ЕДГОР» деб тонг оттирасиз-ку.

ХОТИН. Вой анувларни. Едгор ахир кенжа фарзандимиз-ку.

ЭР. Ахир ёзувчи халқи...

ХОТИН. Ёзувчи эмиш, ёзганларингиз «ХАНДАЛАРИМ», «МАСАЛЛАР»... Нима, ҳаётда бошқа тема қуриб қолганми? «ЎТГАН КУНЛАР»имизни ёзинг.

ЭР. Ўзингиз «ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР»имизни эсланг. Бундан буён фақат ёзган «ҒАЗАЛИМ СИЗГА».

ХОТИН. Ҳо, «ЁЛҒОНЧИ ФАРИШТА-ей!» Тўйгача «ТИЛЛА УЗУК» олиб бераман, «МУҲАББАТ СОҲИЛИ»га олиб бораман, деб даста-даста «МАКТУБ» битгандингиз, эсингиздами? Яхшиям «РОЗ» айтмаганингиз ўшанда. Балки «ТИРИК САЙЁРА»ларни ҳам инъом қилармидингиз. «ВАФОДОР»инг бўламан, «ҚАНОТ ЖУФТ БЎЛАДИ», ана шунда бургутдек «ПАРВОЗ» қиламиз деб ичган қасамларингиз-чи? Унутдингизми?

ЭР. Балки ваъда қилгандирман, шу пайтача «ҚАСАМ ИЧМАГАН ЙИГИТ»ман, ахир... «ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ..» қор ёнади дейишади-ку. Ҳаво очиқ. Кечаси «ОЙДИН» бўлади. Нима қилай, оқ ойдин кечада ўзимни-ўзим... Кейин... «БИР КЕЧА ФОЖИАСИ» деб юравerasизми.

ХОТИН. Яхшиси ўзингизни осинг, «ДОР ОСТИДАГИ СЎЗ»ингизни эшитай.

ЭР. Шу гапларингиз учун «ҚАСОС» оламан.

ХОТИН. Начора. «МУҲАББАТ» туфайли тўкилган «ҚУТЛУҒ ҚОН» деймиз-да.

ЭР. «ҒУРУР»ингиз кучли-да, хотин. Қойил! «САРВҚОМАТ ДИЛБАРИМ» ҳам ўзингиз. Келинг, буёққа, «ҚУЛОҒИНГИЗГА ГАПИМ БОР».

ХОТИН. Яна «БЎСА»ми?

ЭР. «ШУМ БОЛА» шум бола-да.

ХОТИН. Сизга яна «ИХЛОС»им ортди. Минг ёмон бўлсангиз ҳам ўзимнинг «АЗИЗИМ»сиз.

Тошпўлат ТУСНАЗАРОВ,
ўқитувчи.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

10—16 октябрь

Душанба — 10 октябрь

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 «Бошқалар сукут сақлаганда». Бадиий фильм (ГДР). 11.00 Янгиликлар. 11.10 «Саёҳатчилар клуби».

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.15 «Қайта қуриш прожектори». 16.25 Шимолий Осетия телевидение студиясининг программаси. 17.25. «Санъат устахоналари». 17.55 Мактаб ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Антонов номли Алоҳида конструкторлик бюросининг бош конструктори П. В. Балабуев билан учрашуви. Киевдан кўрсатилади. 18.40 XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. «Бинокор». 19.10 «Кузьмичев сабоқлари». Қишлоқда ижара пудратини жорий этиш ҳақида. 1-кўрсатув. 19.25 П. Чайковский. Виолончель ва оркестр учун роккоко мавзуларига ёзилган вариациялар. 19.45 Футбол шарҳи. 20.15 «Нон азиз». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм премьераси («Мосфильм») 5-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.10 Актуал объектив. «Қайтиш». Ҳужжатли фильм премьераси. 24.00 «Дунё воқеалари».

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программалари

Г. Канчели. 6-симфония. 15.05 Янгиликлар. 15.15 «Индинги кун жадвали». Бадиий фильм, субтитр билан.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 От спорти. «Пардубицча стипльчезлар» халқаро мусобақалари. ЧССРдан кўрсатилади. 19.35 «Жонли планета». Ўн икки серияли ҳужжатли фильм. 11-серия — «Дунё океани». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.00 «Қайта қуриш прожектори». 22.10 Хоккей. СССР чемпионати. «Спартак» —«Динамо» (Москва). 2 ва 3-даврлар. 23.45 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви (такрор).

⊙ ЎзТВ

15.30 «Ҳаммаси рақсга айланади». Фильм-балет. 16.30 Болалар учун фильм. 17.30 Ботаника. Ўсимлик хужайраси. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильмлар. 18.45 «Оддий мўъжизалар». Цирк программаси. 19.30 «Ижод саҳифалари». Д. Дидро. Туғилган кунининг 275 йиллигига. 20.00 «Ахборот» (рус). 20.20 Долзарб интервью. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ажойиботлар хазинаси». Ҳужжатли фильм. 21.00 Эстрада концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.10 «Ажралишдан аввал». Бадиий фильм («Мосфильм»).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 «Турнахон». Бадиий фильм. («Мосфильм»). 21.00 «Оловли йиллар хотираси». Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ғулом Каримов ҳақида телеочерк.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

21.30 Москва. «Время». 22.00 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.10 «Азем». ВЛКСМнинг 70 йиллигига бағишланган миллий удумлар ва урф-одатлар телевизион фестивали. 23.10 «Атака». Бадиий фильм (рус).

Сешанба — 11 октябрь

⊙ МТI

7.00 «120 минут». 9.05 Мактаб ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Антонов номли Алоҳида конструкторлик бюросининг бош конструктори П. В. Балабуев билан учрашуви. Киевдан кўрсатилади. 9.50 «Нон азиз». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. Танаффус пайтида (11.15) — Янгиликлар.

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.10 «Қайта қуриш прожектори». 16.20 В. А. Моцарт. Фортепьяно ва оркестр учун 22-концерт. 16.55 Марий телевидение студиясининг программаси. 17.55 «Сиз яратган боғ». 18.25 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 19.10 Шеърият лаҳзалари 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Кузьмичев сабоқлари». 2-кўрсатув. 19.55 «Орган залида», Омскдан кўрсатилади. 20.15 «Нон азиз». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Эфирда музика». Москва — Варшава телекўприги Танаффус пайтида (23.15) — «Дунё воқеалари».

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программалари

12.55 «Тўлов» Бадиий фильм. 14.20 «Умидлар даври». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.10 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. «Бу ҳаммаси у ҳақда». («Экран»). — 4-серия. 16.15 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 17.15 Янгиликлар.

* * *

18.20 Янгиликлар. 18.25 «Музикали киоск». 18.55 А. Афиногенев. «Машенька». Телевизион спектакль. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Интонация». Психотерапевтик хизмати ҳақида («Беларусьфильм»). 20.55 «Олатов жилолари». Фрунзе шаҳридан кўрсатилади. 21.20 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари «Арсен ҳақида қўшиқ». Телевизион бадиий фильм премьераси («Грузияфильм»). 1-серия. 23.20 1988 йил қўшиқлари. 23.35 Футбол. СССР чемпионати. «Торпедо» — «Спартак». «Динамо» (Киев) — «Днепр». 02.00 Янгиликлар.

⊙ ЎзТВ

15.30 «Сакраш ҳуқуқи», «Волгарь». Хужжатли фильмлар программаси. 16.30 Болалар учун фильм. 17.30 Химия. Оксидланиш ва қайтарилиш реакциялари. Электролиз. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Давлат манфаати». Шаҳар телефон станцияларининг янги шароитлардаги иши ҳақида (рус.). 19.00 «Сув келади». Ҳужжатли фильм. 19.20 «Тил — маданият кузгуси». Икки тиллилик ва тилларни қиёслаб ўрганиш. 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Бу — СПИД!» Ҳужжатли фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон Давлат телерадиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время» 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Долзарб дамлар қадри». 22.35 Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг 70 йиллигига. «Саҳна усталари». Е. Бобожонов. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 «АҚШда информатика». (рус). 20.10 «Балоғатга етмаганлар». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Омад Сизга ёр бўлсин, пахтакорлар!». Кўрсатув ва концерт.

Чоршанба — 12 октябрь

⊙ МТI

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.50 «Нон азиз». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 3ва 4-сериялар. Танаффус пайтида (11.05) — Янгиликлар.

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.15 Т. Бобровицкая куйлайди. Свердловскдан кўрсатилади. 16.40 «Қасам». 26 Боку комиссарларининг жасорати ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 16.55 «Коля, Оля ва Архимед». Мультфильм. 17.15 «Салом музика!» 18.00 Болалар учун фильм. 18.45 Иқтисодий билимлар асослари. «Агро тележурнали». Ўсимликшуносликда пудратчи коллективларни ташкил этиш ва уларнинг иш тажрибаси. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Кузьмичев сабоқлари». 3-кўрсатув. 19.50 К. Родин чалади (виолончель). 20.15 «Нон азиз». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар». Врачларнинг Бутуниттифоқ съезди олдидан. 23.35 Бланка дель Рей рақсга тушади (Испания).

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика

Ўқув программалари

13.05 «Арсен ҳақида қўшиқ» Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 14.10 «Янгиланиш йўлидан». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.00 Янгиликлар. 15.10 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. «Бу ҳаммаси у ҳақда». 5-серия.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. Л. Забиляста. 19.35 Ритмик гимнастика. 20.05 «Камбарота: ёшлар, ишлар, муаммолар». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 21.30 «Время». 22.15 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Арсен ҳақида қўшиқ». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 23.20 «Қоронғу иш». Экологик муаммолар ҳақида. 23.40 Янгиликлар.

⊙ ЎзТВ

15.00 «Менинг ва сенинг еримиз». Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.10 «Мис тоғ бекаси». Бадиий фильм («Мосфильм»). 17.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Пионерлар мамлакатида». 19.00 «Интернационалист врачлар 1-Бутуниттифоқ слётининг қатнашчилари — меҳмонимиз». 19.30 «Аёллар саодати». «Саодат» журнали саҳифаларида. 20.00 «Ахборот» (рус). 20.20 Долзарб интервью. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Арзу» турк ансамблининг концерти. 21.20 «Фронт хроникасидан олинган исм». Телефильм. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Касаба союзлари ҳаёти». 23.05 «Хивачасига ажрим». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 23.35 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Классик опералардан саҳналар. 20.15 «Тегирмон тўхтаганда». Бадиий фильм («Тожикфильм»).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

21.30 Москва. «Время». 22.05 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон саргузаштлари». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (рус).

Пайшанба — 13 октябрь

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Салом, музика!». 9.50 «Нон азиз». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 5 ва 6-сериялар. Танаффус пайтида (11.05) — Янгиликлар.

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.10 «Қайта қуриш прожектори». 16.20 «Беш йиллик: ишлар ва одамлар» туркумидан ҳужжатли фильмлар премьераси. 17.20 «Музика хазинаси» К. Сен-Санс Фортепьяно оркестр учун 2-Соль-минор концерти. 18.00 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 18.45 «Инсон ва қонун». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Кузьмичев сабоқлари». 4-кўрсатув. 19.50 Мультфильмлар премьераси. 20.15 «Нон азиз». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 8-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори».

* * *

22.15 ГФР телевидениесининг программаси. 23.15 «Хазон бўлган гуллар». Телевизион бадиий фильм премьераси. (ГФР).

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программалари

13.05 «Арсен ҳақида қўшиқ». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 14.10 «Табиат билан ҳамжиҳатликда» туркумидан телевизион ҳужжатли фильмлар. 15.00 Янгиликлар. 15.10 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. «Бу ҳаммаси у ҳақда». 6-серия.

* * *

18.25 Янгиликлар. 18.30 «Қишлоқ янгиликлари». 19.30 Ритмик гимнастика. 20.00 «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Олтин, ялпи махсулот ва гармония». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Урал заргарлари ҳақида (Свердловск). 20.55 Реклама. 21.00 «Волконскийлар уйида кеча». Иркутскдан кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Рус бадиий маданиятининг 1000 йиллиги». СССР Бадиий академияси залларидаги кўргазма. 23.20 Янгиликлар.

⊙ ЎзТВ

15.00 «Арктикадаги учрашув». Ҳужжатли фильм. 15.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар» (такрор.). 16.45 География. СССРнинг машинасозлик комплекси. 17.15 Телефильм. 17.30 Рус адабиёти М. Ю. Лермонтов қадамжолари бўйлаб (рус.). 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 18.45 Мактаб ўқувчиларининг ёзувчи, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати. Ў. Ҳошимов билан учрашуви. 19.40 «Чўл ва одамлар». Замондошимизнинг ижтимоий портрети. 20.00 «Ахборот» (рус). 20.20 «Хотира» туркумидан. Усмон Носир (рус). 20.30 «Ахборот». 20.50 Э. Мадраҳимов шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори. 22.15 «Долзарб дамлар қадри». 22.35 «Ретро». Экранда — «Ўзбекфильм» киностудиясининг фильмлари. «Мафтунингман» (1958 йил, рус). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 «Эртаклар тарк этган дара». Бадиий фильм «Арманфильм». 20.50 Реклама. 21.00 «Транспорт ва йўловчи».

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Ҳужжатли фильмлар экрани. «Чернобиль қўнғироғи».

Жума — 14 октябрь

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 10.05 «Нон азиз». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 7 ва 8-сериялар. Танаффус пайтида (11.20) — Янгиликлар.

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.10 «Қайта қуриш прожектори». 16.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб» туркумидан телевизион ҳужжатли фильмлар. 17.15 «Нега ва нима учун?». 17.45 Фан: назария, тажриба, практика. 18.15 Украина телевидениесининг программаси. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Кузьмичев сабоқлари». 5-кўрсатув. 19.50 МТ экранида биринчи марта. «Қора холли лайлак». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Аҳоли рўйхати ҳисобчиси». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЛНФ»). 22.35 «Нигоҳ». Тунги информацион-музикали программа.

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Бўйсунмас роҳиб Иакинф Бичурин». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 А. С. Пушкин. «Шоҳ Султон ҳақида эртак». 4-синф. 10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Ёғоч ўймакорлиги. 11.35, 12.45 А. С. Пушкин. «Дубровский». 5-синф. 12.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.

* * *

13.05 «Оталар ерига қасида». Телевизион ҳужжатли фильм. 14.00 «Чигиртка». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 15.25 Янгиликлар. 15.35 И. Жуков чалади (фортепьяно).

* * *

18.30 Янгиликлар. 18.40 «Асфальт тугайдиган жойда». «Ноқоратупроқ йўллари» давлат программаси ҳақида. 19.30 «Саёҳатчилар клуби». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Санъатга бахшида умр. «Микеланджело». 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Алов». Бадиий фильм-монография («Мосфильм»). 23.05 «Бир қишлоқ эртаклари». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.20 Янгиликлар.

⊙ ЎзТВ

15.00 «26 Боку комиссари». Бадиий фильм («Озарбайжон фильм» — «Мосфильм»). 16.45 «Қизиқувчилар экрани». Илмий-оммабоп программа (рус). 17.15 «Тоғларда ва чўлларда». Телефильм. 17.30 «Мактабда тарих дарси: муаммолар ва ечимлар» (рус.). 18.00 Янгиликлар. 18.15 ВЛКСМ 70 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.45 «Агросаноат ва Озиқ-овқат программаси». Сирдарё областидан кўрсатув. 19.20 «Тилга эътибор...». 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 Долзарб интервью. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Москва «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 23.15 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 «Жиноят қидирув инспектори». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 21.00 «Кескин танқид остида». Ўзбекистон телевидениесининг Тошкент шаҳар халқ контроли комитети ва Ўзбекистон республика санитария-эпидемиология станцияси билан биргаликдаги рейди (рус.).

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Қашқирлар учун қопқон». Бадиий фильм.

Шанба — 15 октябрь

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Хор коллективларининг учрашуви». Минскдан кўрсатилади. 9.45 «Нега ва нима учун?». Болалар учун кўрсатув. 10.15 «Штрауслар оиласининг музикаси». 11.00 «Уй академияси». 11.50 «Биз сизни кутяпмиз». Афғонистон тупроғида туғилган қўшиқларнинг авторлари ва ижрочилари билан учрашув. 11.55 «Социализм мамлакатларида». 12.25 «Бекинмачоқ». Халқ ўйинларини қайта тиклаш ҳақида. 12.55 «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун». 13.30 Шеърият лаҳзалари. 13.40 «Дунё воқеалари». 14.00 «Шанба — ота-оналар куни». 15.30 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 16.30 «Заҳматкаш кишилар». «Олим бўлган колхоз раиси билан мулоқот». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик академиясининг мухбир аъзоси, XIX партия конференциясининг делегати, Латвиядаги «Адажи» агрофирмасининг раиси А. Э. Кауле ҳақида. 17.30 Мультфильмлар премьераси: «Нонни хор қилган қизча воқеаси», «Олтин мих», «Меҳнатсевар кампир». 18.00 «Бизнинг мерос». 18.30 В. Артемов. «Фақат ишонч билан». Балетдан парчалар. 19.10 «9-студия». 20.10 ВЛКСМ 70 йиллигига. «Диққат! Барча постларга...». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 21.30 «Время». 22.05 «Ҳаворанг атиргул». Фильм-спектакль премьераси. Л. Украинка пьесаси асосида. 00.25 Янгиликлар. 00.30 Рива дель Гардда фестиваль (Италия).

⊙ МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.

«Тафаккур» программаси

8.45 Студия намойиш этади... «Курантлар». 9.15, 9.55, 10.45, 11.55, 12.45, 13.25 Рекламалар. 9.25 Сайланмалар. Ф. Рабле. «Гаргантюа ва Пантагрюэль». 10.00 «Здоровье». 10.55 «Ҳайвонот оламида». 12.00 «Новаторлар ва консерваторлар». «Автодизайн—88» кўргазмаси. 12.35 «Ўрмонда куз». Илмий-оммабоп фильм. 12.55 Тарих саҳифалари. Политехника музейида «Вопроси истории» журнали редколлегияси ва авторлар коллективи билан учрашув. 13.30 «Инсон институти». Тил, нутқ ва мулоқот ҳақида.

* * *

14.30 «Мерседес»даги кишининг ҳужжатлари». Бадиий фильм, субтитр билан (М. Горький номли киностудия). 1 ва 2-сериялар. 16.30 «Ижмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси Маданият саройи «Тюрагай» удмурд халқ хорининг чиқиши. 16.50 Мультфильмлар: «Қувноқ карусель», «Ялтироқ қурт ва шабнам», «Ботсман ва тўти», «Музика». 17.25 «Оқшомдан тушгача». Бадиий фильм («Мосфильм»). 1 ва 2-сериялар. 19.40 «Турли қиёфадаги масхарабозлар». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Мен Боровск расмини чизяпман». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»). 21.10 «Тушкунлик қайиғи». Катталар учун мультфильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Ўз услубимни излайман». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 22.45 Хоккей. СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Рига). 2 ва 3-даврлар. 23.55 Янгиликлар.

⊙ ЎзТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа.

10.00 «Шанба экрани». Кинопрограмма. 11.00 «Спортивний Узбекистан» (рус.). 11.30 Экранда —кинокомедия. «Тақдир инъоми» (Одесса киностудияси). 12.40 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». Риштон агросаноат комбинати иш тажрибаси ҳақида. 13.20 «Дўстларимиз тароналари». СССР халқ артисти София Ротару куйлайди. 13.50 В. В. Маяковский. «Ҳаммом». Телеспектакль (такрор). 14.55 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун» (рус.).

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 ВЛКСМ 70 йиллигига. Ўсмирлар учун. «Ровесник» (рус.). 18.50 «Актёрлар ва роллар». ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Т. Мамедова такрор). 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Секундант». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Афғон рубоби тароналари». Фильм-концерт премьераси («Ўзбектелефильм»). 21.20 «Яқин қўшнилар». Катталар учун мультфильм. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Дала меҳнаткашлари учун кечки музикали программа. 23.05 «Куз инъомлари». Телефильм. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Мен яшаётган олам». Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув. 18.35 «Арқон». Мультфильм. 18.45 «Жаҳон бир ҳафта ичида». 19.00 «Новости». 19.20 А. Рабиев. «Деваштич жасорати». 20.00 «Ахбор». 20.25 «Нарзанлар водийси». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.45 С. Билоловнинг ижодий портрети. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ранда». Танқидий тележурнал. 22.35 «Фақат ўлган одам жавобгар». Бадиий фильм (рус.).

Якшанба — 16 октябрь

⊙ МТ I

8.30 Янгиликлар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.30 «Энг кичик ёмғирча». Мультфильм. 9.40 «Спортлото» тиражи. 9.55 «Будильник». 10.25 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.25 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви. 11.55 «Қишлоқ янгиликлари». 12.55 «Музикали киоск». 13.25 «Здоровье». 14.10 Ж. Верди. «Трубадур». «Метрополитен-опера» спектакли. Нью-Йоркдан трансляция пайтида ёзиб олинган. 17.35 «Жонли планета». Ўн икки серияли ҳужжатли фильм премьераси. 12-серия — «Янги дунёлар» (Буюк Британия). 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Изаур канизаги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Бразилия). 1 ва 2-сериялар. 21.30 «Время». 22.05 «Қизил Байроқли ансамбль билан учрашув». Ансамблнинг 60 йиллигига. 23.05 Янгиликлар. 23.10 «Сиз бунга қодирсиз».

⊙ МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг!

«Тафаккур» программаси

8.45 «Сиз яратган боғ». 9.20 «Звёздочка». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув журнали. 1. «Ленинградда шундай ёдгорлик бор». 2. «Чанг заррачаларининг сири». 3. «Думсиз калтакесаклар». 4. Хоккей тарихи ҳақида. 10.05 «Портретлар». И. Анненский. 11.05 «Оламга саёҳат». Киноальманах. 12.10 Иқтисодий билимлар асослари. «ТелеЭКО» журнали. Кооператорлар ва кооперативлар. Кўрсатувда «Вопроси экономики» журналининг бош редактори, иқтисод фанлари доктори Г. Х. Попов иштирок этади. 12.40 «Ажойиб кишилар ҳаётидан». «XVIII аср ёзувлари». Рус агрономия фани асосчиларидан бири А. Т. Болотов туғилган куннинг 250 йиллигига.

* * *

13.25 1988 йил қўшиқлари. 13.40 «Картон соатлар майдони». Мультфильм. 14.00 Останкино концерт студиясида В. И. Ленин номли Совет болалар фонди правлениесининг раиси, ёзувчи А. А. Лиханов билан учрашув. 15.55 Хоккей. СССР чемпионати. «Крилья Советов» — «Спартак». 18.20 «Казаклар мушкетёрларга қандай ёрдам беришди». Мультфильм. 18.40 «Телевизион музикали абонемент». Давид Ойстрах. 4-кўрсатув — «Учрашувлар». 19.40 «Ғамгин масхарабоз». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Чувашия АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Гаровга олинган». Бадиий фильм («Тожикфильм»). 23.20 Янгиликлар.

⊙ ЎзТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа.

10.00 «Оила даврасида». Кинопрограмма. 11.00 «Биргаликда куйлаймиз». Н. Норхўжаев. Р. Толипов. «Ёшлигим менинг». 11.20 «Ёш спортчи мактаби»: 1. «Шахмат мактаби»; 2. «Футбол ўйнашни ўрганинг». 12.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Келинг, танишайлик». Кишинев телевидение студиясининг программаси (рус.). 12.55 Болалар учун телетеатр. «Эртакчи бобо ҳузурида». 13.30 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак». 14.00 Н. Эрдман. «Суиқасд». М. Горький номли ўлка драма театрининг спектакли (Владивосток шаҳри). 16.10 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ана холос», «Рики — хохолок». Мультфильмлар. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун «Санъат ғунчалари». 19.00 «Ёшлик» студиясининг почтасидан. 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Шундай бир жой бор». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Дам олиш концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Экранда — кинокомедия. «Сендан у гина, мендан бу гина» («Мосфильм»). 23.30 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

16.55 Ўрта Осиё ва Қозоғистон ёш композиторлари музикаларининг фестивали (рус.). 17.55 «Соҳибкорлар, Сизлар учун» (рус.). 18.30 Москва. «Халқаро панорама». 19.15 «Қанот қоқиб». Бадиий фильм, субтитр билан (рус.). 20.45 «Бутуниттифоқ социалистик мусобақанинг ғолиблари ҳақида ҳикоя қиламиз». Иссиқота районидаги «Синташ» колхози. 21.00 Эстрада концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Райкандин кулкусу». Ҳажвчи шоир Р. Шукурбековнинг юбилей кечасидан кўрсатув.

Лофчи Ҳасан лофлари

«— Катта қозонда тўлдириб қайнатма шўрва қилдим, эртаси куни ортганига макарон солиб макарон шўрвага айлантирдим, кечқурунчи, кечқурун мошли макарон шўрва бўлақолсин десам бўтқа бўлиб қолди-я!»— деб мақтанди чойхонада чойхўрлардан бири гап бермай.

«— Мен ҳам сиздан қолишмайман,— деб гап бошлади лофчи Ҳасан,— умримда қилмаган иш бошимга тушдики, менюдаги беш хил овқат рецептини танлаб аралаш-қуралаш овқат тайёрладим, олти соат қайнатдим, ичиб кўрсам: ҳам ширин, ҳам тахир, уч йилки таъми оғзимдан кетгани йўқ. Еганлар «отанга раҳмат!» деб эслашиб юришибди. Хурсандман, «Бултурги овқатдан яна қачон қилиб берасиз, деган талабномалар тушиб турибди». Кўрдингизми!. Эсласам кўзим олди қоронғулашиб кетади: «—Ўшанда овқатимни ит ҳам қорни тўқмикан, ичмади».

⊙

Чойхонада бир киши мақтанди:

«— Бир қўй боқувдим, нақд 40 кило гўшт қилди, жониворни зап боқувдим-да!».

«— Шуям гап бўлди-ю, — деди лофчи Ҳасан,— мен бозордан қўй сотиб олдим. Бозорда жудаям семиз эди, уйга келгунча 30 кило озди-қолди. Билсам, тушмагур қаллоб эгаси насос билан дамлаб, кўзбўямачилик қилган экан. Неварам тўйига сўйвордим, қаранг-ки 60 кило думба-ёғ қилди-я! Гўшти ҳам ғирт ёғга айланиб кетибди, бай-бай-бай!.. Холодильник йўқлигидан, сасиб қолмасин деб етти маҳаллага улашиб чарчадим-а!»

Анвар МИРЗАЕВ.

Рассом табассуми



«Қизил бурун» улфатлар.

— Изҳори муҳаббати жуда чўзилиб кетди-ку.



— Оҳ-оҳ, шундай чўкаверинг, ноёб кадр бўлади.

— Вой дадаси-э, намунча имиллаб юрасиз-а...

А. Ҳакимов ва И. Житновлар чизган рамслар.

Янги телевизорлар

Шяуляй телевизорлар заводи рангли «Таурас» телевизорларининг янги моделини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Аппаратга монтаж қилинган Жанубий Корея кинескоплари унинг мустаҳкамлигига ва тасвирнинг юқори сифатли бўлишига кафолат бермоқда. Корхона ҳар йили савдо шохобчаларига ана шундай телевизорлардан йигирма мингтасини етказиб беради. Завод коллективи чет эл фирмалари билан кооперациялашган тарзда ҳамкорлик қилиб, рангли «Шилялис» телевизорнинг янги моделини ҳам ишлаб чиқара бошлади.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 17708. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.50 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). А. 2235 Тиражи — 108.220. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.